Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ● info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 5 (1226) ● 2019-yil 1-fevral, juma

## Аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш барча раҳбарларнинг асосий вазифаси бўлиши керак

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятида бўлди.**



*Жиззах шаҳрида "Аёллар ижтимоий мослашув маслаҳат маркази" иш бошлади.*

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Жиззах шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамойил асосида халқимиз ҳаётини яхшилаш, ҳудудларни обод қилиш бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди.

Хусусан, ўтган йили март ойидаги ташриф доирасида ишлаб чиқилган дастурга асосан Жиззах вилоятида 107 та инвестиция лойиҳаси бўйича янги объектлар ишга туширилган.

Бугунги кундаги энг муҳим вазифа — инвестиция ва технологиялар олиб келиб, янги корхоналар ташкил этиш, одамларни иш билан таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда 2019-2020 йилларда вилоятда умумий қиймати 21 триллион 956 миллиард сўм бўлган 586 инвестиция лойиҳаси дастури ишлаб чиқилгани, бунинг натижасида 22 минг 300 дан зиёд иш ўрни яратиш режалаштирилгани қайд этилди. Фориш туманида базальт толаси ва шамол энергияси қурилмалари, Дўстлик туманида қуёш панеллари, Зомин туманида дори воситалари, Жиззах шаҳрида безакли ва юпқа ойна ишлаб чиқариш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Жумладан, 14,1 триллион сўм ёки жами инвестицияларнинг 64 фоизига тенг бўлган 180 та йирик саноат лойиҳасини амалга ошириш Жиззах вилоятини "саноат хаби"га айлантириш борасидаги ишларга кучли туртки бериши таъкидланди.

Президентимизнинг жорий йил 3 январдаги «Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали моделини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида 1 мартдан вилоятда «Илғор ҳудуд» синов лойиҳасини амалга ошириш бошланади.

Ушбу лойиҳа доирасида аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш, қулай инвестиция муҳити яратиш ва янги саноат тармоқларини ривожлантириш чоралари кўрилади.

Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳа доирасида амалга ошириладиган ишларни сифатли ва ўз вақтида бажариш юзасидан топшириқ берди.

Одамларга муносиб турмуш шароити яратиш барча бўғиндаги раҳбарларнинг асосий вазифаси бўлиши зарур. Бунинг учун барчамиз ҳамжиҳатликда виждонан ишлашимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Чорвачилик, баliқчилик, асаларичилик, паррандачилик, пиллачилик тармоқларида мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш бўйича топшириқлар берилди.

Аҳолининг маиший шароитларини, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мирзачўлда қилинган ишлар яхши тажриба, намуна бўлди. Энди Жиззах вилоятининг ҳар бир тумани марказини шу тарзда обод қилиш, зарур қурилиш-таъмирлаш ишларини шу йилнинг ўзида якунлаш керак, деди Президентимиз.

Шунингдек, жорий йилда Жиззах шаҳрида 15 та кўп қаватли арзон уй, туманларда 932 та турар жой қуриш вазифаси қўйилди. Зарафшон дарёсидан сув олиб келиш учун магистрал қувур ва насос станцияси қурилишини давом эттириш, 264 километр сув тармоғини қуриш ва таъмирлаш бўйича топшириқ берилди.

2-БЕТ

### ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

**Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқдалар. Мутасадди ташкилотлар вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам ушбу мулоқотларда иштирок этиб, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, фуқароларнинг турмуш шароитлари ўрганилмоқда, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топиш чоралари кўрилмоқда.**

## Парламент назоратининг натижаси муҳим

**НАМАНГАН.** Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Яқубов Наманган шаҳридаги қатор корхона, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда ўтказган мулоқотлар чоғида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, уларнинг самараси ҳақида фикр юритилди.

— Сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, одамлар сиёсий ҳаётдаги воқеаларни синчиклаб кузатиб бормоқдалар ва улар ҳақида анчагина маълумотга эга, — дейди Ш.Яқубов. — Маълумки, жорий йил охирида мамлакатимизда парламентга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловлар ўтказилади. Шунинг учунми, кўпчиликни партиялар ва фракциялар фаолияти ҳам қизиқтирмоқда. Шу билан бирга, ҳали халқ турмуш даражасини юксалтириш, инсонлар учун яхши шарт-шароитлар яратиш йўлида қилинадиган ишлар кўплиги ҳам кўзга ташланмоқда.

Бундай ҳолат шаҳардаги "Сардоба" маҳалласи аҳли билан учрашувда ҳам кузатилди. Парламент аъзоси фракция ва ўз фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Сўнгра сайловчиларнинг фикрлари тингланди.

Масалан, **фуқаро Салима Каримова шаҳар газ таъминоти корхонаси аҳолига хизмат кўрсатишда йўл қўяётган камчиликлар ҳақида баён қилди. Маълум бўлишича, у яшайдиган хонадонда анчадан бери табиий газ йўқ. Аммо газчилар етказиб берилмаган "зангори олов" учун тинмасдан тўлов талаб қилмоқдалар.** Ҳозиргача муаммонинг ечими топилмаган.

Яна бир **фуқаро Дилшод Каримқулов эса Мажбурий ижро бюроси шаҳар бўлими ва солиқ инспекцияси ўртасида узвий ҳамкорлик ўрнатиш лозимлигини айтди. Чунки кўпинча қарзи йўқ хонадонларга ҳам суд орқали тўловни амалга ошириш юзасидан огоҳлантириш ҳақида хатлар келиши учрамоқда. Фуқаролар эса қарзлари йўқлигини исботлаш учун солиқ инспекциясига боргач, қанча вақт ва асабни бой бериб, ўзларининг ҳақ эканлигини исботлашига тўғри келмоқда. Аммо бундан кимга фойда-ю кимга зарар, деган савол туғилиши табиий.**

3-БЕТ

### МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

**2018 йилнинг 13-14 декабрь кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида воҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан кўрсатмалар берган эди. Ўтган қисқа вақт ичида вилоятда муайян ишлар қилинди. Аммо, воҳанинг кенг салоҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам талайгина.**

## Ишга солинмаган имкониятлар

### СУСТКАШЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАНИНИ КЎРСАТАДИ

2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурига мувофиқ Қарши туманида 2033 та иш ўрни яратилган бўлиб, жорий йилда 5503 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашининг республика ишчи гуруҳи ўрганишларига бағишлаб ўтказилган сессиясида мамлакатимиз парламенти аъзолари, депутатлар, вилоят, туман ҳокимликлари, корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Наримон Умаров иштирок этди.

2-БЕТ

### МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ

## "Шов-шув"ли чиқишлар

### ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?

**Кейинги пайтларда айрим интернет сайтлардаги бир қатор "шов-шув"ли чиқишларда юртимиз фарзандларига таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар, таъбир жоиз бўлса, "нишон"га олинмоқда. Бу эса азалдан аждодларимиз "отангдан улуғ" деб уқтирган устозларга сайт ижодкорларининг маълум даражада муносабатини ҳам ифодалайди.**




4-БЕТ

### "ADOLAT"га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

*Газетанинг 2018 йил 21 декабрдаги 51-сонида* **"Бозорлардаги аҳвол ўнгланадими?"** *деб номланган мақола Самарқанд вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси бошқаруви ҳамда мақолада номлари зикр этилган бозорлар раҳбарлари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўз иш фаолиятлари давомида салбий хато ва камчиликларга йўл қўйганликлари учун* **"Жомбой деҳқон бозори"** *раиси О.Бўриевга ойлик маошидан 50 фоиз жарима, Тойлоқ туман* **"Жумабозор деҳқон бозори"** *раиси З.Нажмиевга ҳайфсан,* **"Иштихон деҳқон бозори"** *раиси Э.Холмуродовга ойлик маошидан 50 фоиз жарима,* **"Пайшанба деҳқон бозори"** *раиси Ғ.Муродовга ҳайфсан берилганлигини маълум қиламиз.*

**Самарқанд вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси раиси Т.МАМАДАЛИЕВ.**

**Архив ишига эътиборсизлик барҳам топади** 4

**ГАЗ СЎРҒИЧДАН ЧИҚҚАН ЁНҒИН** ФОЖИАГА САБАБ БЎЛДИ 6

# Аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш барча раҳбарларнинг асосий вазифаси бўлиши керак

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Бу ишлар натижасида Зарбдор, Бахмал, Пахтакор, Мирзачўл, Дўстлик, Ғаллаорол, Шароф Рашидов туманлари аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланиши, уларнинг турмуш тарзи, саломатлиги яхшиланиши таъкидланди.

Йиғилишда вилоятда ижтимоий соҳада кўп йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни босқичма-босқич бартараф қилиш чораларини кўриш зарурлиги қайд этилди.

Вилоятда таълим-тарбия соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2019 йилда 25 давлат мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш, хусусий боғчалар сонини кўпайтириш режалаштирилган. Бундан ташқари, 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш бўйича 230 дан зиёд бепул гуруҳ фаолияти йўлга қўйилади. Бунинг натижасида жорий йилда вилоятда мактабгача таълим қамрови 32 фоиздан 51 фоизга етади. Шунингдек, вилоятда Жанубий Корея ва Германия тажрибаси асосида 10 та инновацион болалар боғчаси барпо этиш кўзда тутилган.

Йиғилишда вилоятдаги 150 дан зиёд мактабда ўқувчилар сони меъёрга нисбатан юқорилиги, 29 мактаб қувватидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, аниқ ва табиий фанлар, хорижий тиллар чуқур ўргатиладиган мактабларга зарурат борлиги қайд этилди. Мутасадди ташкилотларга бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш вазифаси юкланди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида ҳам тўхталди.

Жорий йилда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали, вилоят перинатал маркази, эндокринология, кардиология, тери-таносил диспансерлари, Жиззах шаҳар туғруқ комплекси таъмирланади. Аҳоли ўртасида кўп кузатилаётган касалликлар таҳлилига кўра, ихтисослашган тиббиёт муассасалари қурилади.

Фаоллар йиғилишидан сўнг Президентимиз вилоят марказидаги Мирзо Улуғбек маҳалласида бўлиб, шаҳарда қурилиши режалаштирилаётган уй-жойлар, ижтимоий объектлар, ободонлаштириш лойиҳалари билан танишди.





Жиззах шаҳрини ободонлаштириш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш борасида кенг кўламли ишлар бошланган. Шаҳар бош режасига кўра, Кимёгар, Иттифоқ маҳаллаларида, Мустақиллик кўчасида 5 ва 7 қаватли уйлар қурилади, улар атрофида савдо мажмуалари, клиника, меҳмонхона ва маҳалла идоралари қад ростлайди. Айни пайтда қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Жиззахда туризмни ривожлантириш учун яхши имконият, қулай табиий шароит мавжуд. Сайёҳларда дастлабки таассурот эса шаҳар темир йўл вокзалидан бошланиши табиий. Шу мақсадда Жиззах темир йўл вокзали тубдан реконструкция қилинди. Барча зарур шароит яратилган вокзалдан чиқишингиз билан Мирзо Улуғбек маҳалласи бошланади. Бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда.

Хусусан, вокзал ва Тошкент кўчасини бирлаштирувчи ҳудудда 894 хонадонга мўлжалланган 7 қаватли 13 та уй қурилмоқда. Бу уйлар янги кўча бўйлаб жойлашади, атрофи ободонлаштирилиб, ўзига хос чиройли ландшафт ҳосил қилади.

Жиззах шаҳрида вилоят қўғирчоқ театри қурилади. 250 ёш томошабинга мўлжалланган мазкур маскан жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бунинг учун 12 миллиард 700 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбарига вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шаҳар оқова сув тизими тармоғини ривожлантириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш энг муҳим масалалардан бири эканини таъкидлади. Режадаги ишларни тез ва сифатли бажариш юзасидан топшириқлар берди.

Лойиҳалар тақдимотида автомобиль йўллари атрофини кўкаламзорлаштириш, йўлбўйи инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳам сўз юритилди. Йўллар бўйига қайрағоч, клён, эман, акация, япон сафораси, тут, терак, лола, каштан, сурия атиргули, ҳинд сирени, магнолия каби дарахт ва гул кўчатлари экилади.

Президентимиз Жиззах шаҳридаги 3-ички ишлар бўлимида ҳам бўлиб, бу ерда ўтган йили берилган топшириқлар ижроси билан танишди.

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. "Хавфсиз шаҳар", "Хавфсиз туризм", "Хавфсиз хонадон" тизимлари жорий этилгани, туну кун патруллик хизмати йўлга қўйилгани натижасида одамларда адолат ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилди.

Жиззах шаҳридаги 3-ички ишлар бўлимида ҳам шундай замонавий тизим ташкил этилди. Бўлим шаҳардаги Хайробод, Маданият, Тинчлик, Сайхон, Обод, Кимёгар, Ҳамид Олимжон ва Алишер Навоий номларидаги маҳаллаларда яшовчи аҳолига хизмат кўрсатади. Тезкор навбатчилик қисмига ҳудуддаги мактаб, болалар боғчаси ва бошқа объектларни туну кун назорат қилиш имконини берадиган видеокузатув тизими жорий этилган.

Президентимиз жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ходимлар масъулиятини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Умар АСРОРОВ,**
**Улуғбек АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

**2018 йилда кўп қаватли уйларни таъмирлаш юзасидан белгиланган 1 миллиард 513 миллион сўм ўрнига, 974 миллион сўмлик иш бажарилиб, йиллик режа бор-йўғи 64 фоизга адо этилган. Фаолиятда йўл қўйилган ана шу камчиликларни ҳисобга олган ҳолда Қарши тумани уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (С.Қосимов), қурилиш бўлими (К.Худойбердиев) билан бирга жорий йилнинг 10 февралига қадар тумандаги кўп қаватли уйларни 2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари якунланишини таъминлаши топширилди.**

# Ишга солинмаган имкониятлар

## СУСТКАШЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАНИНИ КЎРСАТАДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Таъкидланганидек, ишчи гуруҳи аъзолари маҳаллалар, хонадонлар, давлат идоралари ва бир нечта ижтимоий соҳа объектларида бўлиб шарт-шароитлар ва ечимини кутаётган масалаларни ўрганишди. Ушбу ўрганишлар давомида қарийб 6061 та муаммо аниқланиб, уларнинг 2000 таси ўз жойида ҳал этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, **ҳудуд аҳолисини электр энергияси, суюлтирилган газ таъминоти, йўл қурилиши, доимий ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, банк-кредит соҳалари билан боғлиқ муаммолар кўпроқ ўйлантирмоқда.**

Масалан, "Қоратепа" ҚФЙга қарашли "Файзобод" қишлоғида яшовчи фуқаролар А.Пирназаров, Ш.Омонов тегишли идораларга **хонадонларни газ билан таъминлаш масаласида бир неча бор мурожаат қилишган, аммо натижа бўлмаяпти.**

Йиғилишда кўп қаватли уйларни таъмирлаш юзасидан белгиланган дастурни амалга оширишда ҳам сусткашликка йўл қўйилганлиги танқид остиға олинди. Масалан, 2018 йилда кўп қаватли уйларни таъмирлаш юзасидан белгиланган 1 миллиард 513 миллион сўм ўрнига, 974 миллион сўмлик иш бажарилиб, йиллик режа бор-йўғи 64 фоизга адо этилган. Фаолиятда йўл қўйилган ана шу камчиликларни ҳисобга олган ҳолда Қарши тумани уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (С.Қосимов), қурилиш бўлими (К.Худойбердиев) билан бирга жорий йилнинг 10 февралига қадар тумандаги кўп қаватли уйларни 2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари якунланишини таъминлаши топширилди.

Анжуманда тумандаги 4 та сектор раҳбарларига (Р.Бегалиев, А.Мирзоев, Б.Арслонов, А.Қодиров) ичимлик суви, иссиқлик таъминоти ва канализация хизматларини яхшилаш, кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

Туман инвестициялар бўлими (У.Лутфуллаев) туман ҳокимлиги молия бўлими ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарларига бир ой муддатда 2019 йилда туманда ичимлик суви, канализация тармоғи ҳамда иссиқлик таъминоти тизимларини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ушбу йўналишдаги ишларни молиялаштириш юзасидан вилоят ҳокимлигига аниқ таклифлар киритиш вазифалари белгиланди.

"Мевазор" маҳалласида сув-оқава тармоқлари йўқлиги инобатга олиниб, 9,7 километрлик канализация тизимини қуриш юзасидан вазифалар белгиланди.

Ўрганишларда аниқланган масалалар ечимига қаратилган чора-тадбирлар дастури, "йўл харитаси"ни тасдиқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, республика ишчи гуруҳининг Деҳқонобод, Ғузор туманларидаги ўрганишлари натижалари ҳам маҳаллий Кенгашлар сессияларида атрофлича муҳокама этилди. Сессияларда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Комил САХАТОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот котиби**

# "TASHKENT CITY" қурилиши жадал бормоқда

## "Tashkent city"нинг қурилиш майдонига журналистлар учун пресс-тур ташкил этилди

**Тадбирда "Tashkent city" халқаро ишбилармонлик марказида бўлаётган қурилиш ишлари, ишчиларга яратилган шарт-шароитлар, айни вақтгача эришилган натижалар ва келгусидаги режалар хусусида сўзлаб берилди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизнинг янги қиёфасини яратишга қаратилган "Tashkent city" халқаро ишбилармонлик маркази қурилишига асос солинган эди.

Айни вақтда бу ерда меҳнат қилаётган ишчиларнинг кўпчилиги Россияда ишлаб қайтган малакали қурувчилардир. Шунингдек, олий маълумотли мутахассислар, муҳандислар, соҳа вакиллари айни жараёнда иштирок этаяпти. Уларнинг кўпчилиги бугунги давр талабларига жавоб берадиган бинолар қуришда аввал ҳам қатнашган.

Ишчилар учун хавфсиз шароит яратилган. Биринчи ўринда инсон саломатлиги ҳисобга олинган. Ишчилар икки сменада ишлайди. Дам олиш, овқатланиш учун қулай шароитлар мавжуд.

"Tashkent city"да янги коммуникация тизимлари яратилади. Кўп қаватли биноларни қуришда турли табиий офатлар, зилзила каби табиат ҳодисаларига нисбатан чидамли бўлган қурилиш материалларидан фойдаланилмоқда.

Пресс-турдан сўнг матбуот анжумани ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Ортиқхўжаев, ушбу мажмуа қурилишида иштирок этаётган идора ва ташкилотлар вакиллари, инвесторлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 июлдаги «Тошкент шаҳрининг марказий қисмини ободонлаштириш ва архитектуравий қиёфасини янада яхшилаш ҳамда аҳоли ва пойтахт меҳмонлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ



«Tashkent city» халқаро ишбилармонлик ҳудудида давлат унитар корхонаси шаклида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича дирекция тузилган. Шунингдек, Халқаро ишбилармонлик марказининг маъмурий кенгаши ташкил этилган.

«Тошкент сити» лойиҳаси режаси «ARUP» (Буюк Британия), «Tabanlioglu» (Туркия), «DPArchitects» (Сингапур) ва бошқа етакчи халқаро компанияларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Хорижий сармоядорларга хайрихоҳлик билдирилган ҳолда, 730 дан зиёд инвестор лойиҳада қатнашиш учун ташаббус билан чиқди. Натижада 12 компания ушбу лойиҳани амалга оширишга инвестиция киритадиган бўлди. Лойиҳа учун давлат маблағлари жалб қилинмади. Лойиҳа 3 йилда жаҳон стандартларига мос равишда амалга оширилиши режалаштирилган.

Мазкур ҳудудда қурилаётган илк объектлардан бири беш юлдузли меҳмонхона ва "Конгресс холл"дир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, меҳмонхона кўп йиллик ва узоқ вақт давомида хизмат кўрсатади ва ўзини оқлайди. "Конгресс холл"дан эса давлат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланилади.

Бу ҳудудда олдин яшаган аҳолининг фикрича, канализация тармоғи, ичимлик суви, электр узатишда муаммолар бўлган. Эгри кўчалар, эскирган қувурлар аҳолига ноқулайлик туғдирар эди. Бу маҳаллаларда яшаб келган фуқароларга бир жойдан кўп қаватли, барча шарт-шароитларга эга уй қуриб берилган.

Ҳудуддаги 80 гектар майдонда бизнес марказ, саноат парки, савдо мажмуалари, конференция заллари, ресторан ва маданий марказлар ҳамда кўп қаватли уйлар қурилиши бошлаб юборилган.

Инвесторларга бириктириб берилган Халқаро ишбилармонлик марказида саккизта лотга бўлинган ҳолда қурилиш, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

"Бизнес сити" ("Тошкент сити" намунасида) ишбилармонлик марказларини пойтахтимизнинг ҳар бир туманида барпо этиш юзасидан ҳам ишлар бошлаб юборилган. Ҳозир учта ана шундай марказ — «Олмазор бизнес сити», «Юнусобод бизнес сити» ва «Мирзо Улуғбек бизнес сити» ташкил этилаётир. Ҳар бир фуқаро, маҳаллий ва хорижий компаниялар ушбу лойиҳаларда инвестор бўлиш имконига эга.

Шаҳар ичидаги шаҳар дея эътироф этилаётган "Tashkent city"нинг қурилиш ишлари авжида. Хорижий инвесторлар билан юртимиздаги ишбилармонлар ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Яқин келажакда қурилиши якунланадиган бу жой маҳобатли, кўркам шаҳарчага айланишига шак-шубҳа йўқ.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири**

# Парламент назоратининг натижаси муҳим



Давоми.
Бошланиши 1-бетда

Шу маҳаллада яшовчи, "Нуроний" жамғармаси фаолларидан бири Аҳмаджон Мамадалиевнинг айтишича, бундай муаммолар сонини кескин камайтириш учун маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаоллик кўрсатишлари лозим. Ажабланарлиси, сайловчилар охирги марта улар билан қачон учрашганини эслай олмайди ҳам. Улар аҳоли ўртасида кўпроқ бўлиб, муаммоларни ўрганганида ва ечим топиш ҳақида бош қотирганларида шундай бўлмас эди. Бу гапда жон борлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

**СУРХОНДАРЁ.**

Парламентимизнинг қуйи палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари Д.Тангиров ва Ё.Холиёров Шўрчи ва Сариосиё туманларида муассасалар, маҳаллалар, хонадонларда фуқаролар билан учрашиб, ўрганилган муаммоларни қонуний йўсинда ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

Шуни айтиш керакки, Шўрчи ва Сариосиё туманлари вилоятнинг хушманзара, тоғли ҳудудларидан ҳисобланиб, иқтисодиёти асосан, пахтачилик, ғаллачилик ва боғдорчиликка, шу тармоқда етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашга ихтисослашган.

Кейинги йилларда туманда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш ҳисобига аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига янгидан-янги корхоналар ишга туширилди.

Аммо шунга қарамай, муассаса, корхона, ташкилотларда ва аҳоли билан мулоқот чоғида ўз ечимини кутаётган муаммолар оз эмаслиги аён бўлди.

**Депутат Ё.Холиёров**га "Саксонкапа" МФЙга қарашли



"Мингжар" қишлоғида сайловчилар қишлоқда ичимлик суви йўқлиги, аҳоли узоқ жойлардан сув ташиб келтириши, қишлоқда 240 ўринли янги мактаб биноси қуриш зарурлиги, электр энергияси тармоғида узилишлар бўлаётгани учун янги трансформатор ўрнатиш кераклиги, ички йўлларнинг носозлигидан шикоят қилишди.

Депутат Ё.Холиёров иштирокида халқ таълими туман бўлимида бўлиб ўтган йиғилишда эса тумандаги 10 га яқин умумтаълим мактабларининг умумий аҳволи, реконструкция ва капитал таъмирга муҳтожлиги, пол ва шифтларни таъмирлаш, ташқи фасад қисмларини пардозлаш, стол-стул, парталар билан таъминлаш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Парламент қуйи палатаси депутати Д.Тангиров** Сариосиё туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб, беморлар, шифокор ва ҳамширалар билан суҳбатда бўлди. Суҳбат жараёнида бирлашмада тиббий жарроҳлик ўрамлари, жарроҳлик стол-стуллари етишмаслиги каби масалалар кўтарилди. Депутат мазкур масалалар юзасидан депутатлик сўрови чиқаришини билдирди.

**ХОРАЗМ.**

Урганч туманидаги "Ғойбу" қишлоғида **парламентнинг қуйи палатаси депутати Мақсуд Қурбонбоев** сайловчилар билан учрашди. Очиқ мулоқот чоғида фуқаролар ўз фикр-мулоҳазалари билан бир қаторда



уларни ташвишлантириб келаётган муаммо ва камчиликлар хусусида баён этишди. Жумладан, "Туркманлар" маҳалласининг "Ола уйлик" қисмида ичимлик суви таъминотини яхшилаш зарурлиги, "Чорвабозор" кўчасида йўл таъмирталаб эканини билдиришди. Шунингдек, коллеж ўқувчиси Даврон Қаландаров чорвачилик билан шуғулланиши учун имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам сўради.

— Депутат билан мулоқот давомида ўзимга керакли масалаларни ҳал қилиб олишга эришдим. Шу билан бирга, сиёсий ва ҳуқуқий билимларим ҳам ошди, — дейди коллеж ўқувчиси Суҳроб Жуманазаров. — Транспорт воситаларини таъмирлаш бўйича ҳунар ўрганаётганим боис ўз устахонам бўлишини хоҳлайман. Депутатнинг кўмаги билан орзуларим ушаладиган бўлди.

М.Қурбонбоев тумандаги 30-сонли оилавий поликлиникада бўлиб, ходимлар билан суҳбатлашганида ушбу муассасада талаб даражасида ишлаш учун шароитлар етарли эмаслиги маълум бўлди. Жумладан, поликлиникада иситиш тизими ишламаётгани, моддий-техник база қониқарли эмаслиги, муассаса биноси таъмирталаб бўлиб, беморларга муолажа қилиш учун шароит йўқлиги, жойларга чақирув бўйича 3 километрдан 25 километргача бўлган масофага йўловчи ташиш транспортлари орқали боришга тўғри келаётгани фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Депутат ўртага ташланган барча масалаларга масъул ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда ечим топишини қайд этди.

**НАВОИЙ.**

Сайловчилар билан мулоқот қилиш, уларни ташвишлантираётган муаммоларга ечим топиш ҳар бир депутатнинг фаолият мезонидир. Шу маънода, жойларда ўрганишлар олиб бораётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан тегишли ташкилот ходимлари билан боғланиб, муаммоларнинг ўз жойида ҳал бўлишида амалий ёрдам беришмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП **фракцияси аъзоси Зафар Султонов** Нурота туманидаги "Ғазғон" МФЙ ҳудудида яшовчи аҳоли билан учрашди. Депутат аҳолини табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминланганлик аҳволи, пенсия, нафақаларнинг ўз вақтида берилиши муҳим масалалардан эканини таъкидлади. Шу билан бирга, туманда таълим, тиббиёт соҳасидаги масалалар билан боғлиқ фикрлар билдирилди.

Мулоқотлар давомида "Ғазғон" МФЙда маданият маркази қуриш, кутубхона ташкил этиш, 56-умумтаълим мактабида спорт залига зарурият борлиги айтиб ўтилди. Маҳалла ҳудудида чиқиндиларни ташлаш учун алоҳида жой ташкил этилмаганини ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР.**

Шайхонтоҳур туманидаги "Камолон", "Янги Камолон", "Сузук ота" маҳаллаларида **фракция аъзоси Улуғбек Саматов** ўрганишлар олиб борди, фуқаролар билан суҳбатлашди. Очиқ мулоқотлар давомида депутат У.Саматов маҳаллалардаги, ижтимоий объектлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратди. Мулоқот чоғида "Янги Камолон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳанузгача ўз биносига эга эмаслиги, "Сузук ота", "Камолон", "Янгиобод" маҳаллаларининг ички йўллари таъмирга муҳтожлиги маълум бўлди.

Қайд этилганидек, "Сузук ота" маҳалласи ҳудудида қурилиш ишлари бўлаётганлиги сабабли бир неча хонадонлар сув, газ таъминотидан узилганлиги ноқулайлик пайдо қилмоқда. Шунингдек, 491-сонли МТМга кириш йўлига пиёдалар ўтиш чизиғини тортиш, 567-сонли МТМ биносининини таъмирлаш лозим.



У.Саматов ўрганишларни давом эттириш билан бирга ҳудудда кўтарилган масалаларга ойдинлик киритиш ва ижобий ҳал этиш мақсадида тегишли мутасаддилар билан иш олиб боришга киришди.

**ФАРҒОНА.**

**Қонунчилик палатаси депутати Умиджон Сулаймоновнинг** Қўштепа туманидаги ўрганишлари ҳам амалий саъй-ҳаракатларнинг давоми бўлди.

"Янги Дўкон" МФЙдаги учрашувда тадбиркор фуқаролар эришаётган ютуқлари ҳақида сўзлаб беришди.

— Ўғлимнинг томорқасидаги боғда оила аъзоларимиз меҳнат қилиб, яхши даромад оляпмиз, — деди Озода Ҳакимова. — Даромадга қараб буромад деганларидек, яхши жойларга йил давомида ҳордиқ чиқаргани бориб, дам олиб келяпмиз. Ҳовлимиздаги кичик иссиқхонада помидор, бодринг, булғор қалампири каби турли кўчатларни етиштираяпмиз.

Маҳаллада аҳолини ташвишга солаётган масалалар диққат марказида бўлди. "Сойбўйи" кўчасида йўлга шағал ётқизиш зарурлиги ҳақида фуқаро Исоқжон Валиев мурожаат қилди. Ҳудудда белгиланган дастур асосида иш олиб борилаётгани, ушбу мурожаат ҳам тегишли тартибда кўриб чиқилиши фуқарога тушунтирилди. **Маҳалла аҳолиси уч ойга етиши мўлжаллаб тўлдириб берилган баллонлардаги газ 1 ойда тугаб қолаётгани, уни қайта тўлдириш муаммо бўлаётганини баён этишди.**

"Қийиқи" МФЙдаги 400 та хонадонда яшовчи фуқаролар ичимлик сувини узоқ масофадан ташиб келтиришмоқда, электр таъминотида ҳам муаммолар мавжуд.

Туман тиббиёт бирлашмасидаги учрашувда мазкур масканда маст ҳолда автомашинани бошқаришда гумонланаётган шахсларнинг мастлик ҳолатини аниқлаш учун тиббий экспертиза хонасини ташкил этиш таклифи ўртага ташланиб, фикрлашиб олинди.



Ўрганишларда ҳудуддаги ижтимоий дорихона фаолияти қониқарли эмаслиги аниқланди. Дори-дармонлар етишмайди. Кўпчиликнинг ҳудудда бундай дорихона борлигидан хабари йўқ. Дорихона ишини самарали олиб бориш юзасидан зарур тавсиялар берилди. Туман ҳокимлигининг сектор штабида ўтган йиғилишда мазкур масалалар кўриб чиқилди ва масъул шахсларга аниқ топшириқлар берилди.

**САМАРҚАНД.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Полвонов**нинг Пастдарғом туманидаги аҳоли билан мулоқоти ҳудудда мавжуд бир қатор масалаларнинг қонуний ҳал этилишида амалий аҳамият касб этди.

Ўрганишларда тумандаги 3400 нафар аҳоли истиқомат қиладиган "Қоровултепа" маҳалласида ечимини кутаётган масалалар тилга олинди. Маҳалла аҳолиси боғча ёшидаги 350 нафардан ортиқ болалар учун замонавий мактабгача таълим муассасаси зарурлигини қайд этишди. Шунингдек, хонадонларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ички йўлларни таъмирлаш, кўчаларда эскириб қолган симёғочларни алмаштириш каби муаммолар ўртага ташланди.

"Жағалбойли" маҳалласида ичимлик суви муаммосини ҳал этиш, 2011 йилда табиий газ тармоғидан узилган 345 та хонадонларни суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш, бир қатор кўчалардаги яроқсиз симёғочларни, эски трансформаторларни алмаштириш масалалари ҳақида сўз борди.

Самарқанд шаҳридаги Хўжасоат, "Ўрта Хўжасоат", "Қуйи Хўжасоат" ҳамда "Сартепо" МФЙлар ҳудудида ҳам ички йўлларни таъмирлаш, асфальтлаш, кўчаларга тунги ёритқичлар ўрнатиш, эски симёғочларни янгисига алмаштириш каби муаммолар ҳақида мурожаат қилишди.

— Депутат билан аввалги учрашувда Шуҳрат Полвоновга 300 ўринга мўлжалланган мактаб биноси болалар қамрови учун етишмаётгани, қўшимча бино қуришда амалий ёрдам сўрагандик, — дейди "Ўрта Хўжасоат" маҳалласида жойлашган 72-умумтаълим мактаби директори Дилором Аҳмедова. — Ҳозирга келиб яна 300 ўринга мўлжалланган қўшимча бино барпо этилди ва фойдаланишга топширилиш арафасида. Энди замонавий, барча шароитларга эга мактаб 600 нафар болажонларни ўз бағрига олади. Бу галги мулоқот чоғида яна бир масала, яъни мактаб ёнидаги бўш майдонда фаоллар зали барпо этишда амалий ёрдам сўрадик.

Муҳими, мулоқотлар чоғида мавжуд муаммоларнинг аксариятини тегишли ташкилотлар билан бирга жойида ҳал қилишга эришилди. Қолганлари бўйича юқори турувчи органларга депутатлик сўровлари юборилди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Людмила Кошелапова** Тошкент туманидаги "Ойдин ҳаёт" маҳалласи аҳолиси хонадонларида бўлиб, уларнинг дарду ташвишларини тинглади. Мулоқот чоғида фуқаро Дилдора Давронбекованинг уй-жойига унга туташ майдонда спорт соғломлаштириш ва савдо мажмуаси қурилиши жараёнида зарар етказилганидан шикоят қилди. Аниқланишича, фуқаро Г.Мирҳакимовага тегишли спорт соғломлаштириш ва савдо мажмуасини барпо этиш учун ерни тайёрлаш мақсадида Д.Давронбекованинг уй-жойини қуршаган девор бўйлаб ер кавлаш ишлари олиб борилган. Натижада 38-уй-жойга ва барпо этилажак янги объект учун ҳам хавфли ҳолат юзага келган. Айни пайтда 38-уй деворлари ёрилиб, авария ҳолатига келганлиги аниқланди. Янги объект қурилиши мўлжалланган ер майдонида тупроқ кўчириб олинишидан ҳосил бўлган 5-11 метр баландликдаги қиялик тепасида 38-уй ва ва яна бошқа бир хонадонда фуқаролар истиқомат қилишмоқда. Маълум бўлишича, тупроқ





кўчирилганидан сўнг мазкур уй-жойлар зилзила, сел ва бошқа табиий офатлар оқибатида кўчки содир бўлиши мумкинлиги сабабли фойдаланиш ва яшаш учун хавфли деб топилган. Гарчи мўлжалланган янги объект қурилиши ҳамон бошланмаган бўлса-да, қурилиш баҳона авария ҳолига келтириб қўйилган хонадонлар эгалари ҳам муаммодан қутула олишмаяпти.

"Ободлик" маҳалласининг "Ойбек" кўчасидаги 7, 13, 19, 25, 29, 35-уйларда яшовчи фуқаролар билан мулоқотларда депутат уларни ўйлантираётган масалага эътибор қаратди. Фуқаролар мазкур уйлар "Зах" каналининг қирғоғига жойлашганлиги, қирғоқ йилдан-йилга ўпирилиб, канал суви яқинлашиб келаётгани оқибатида хонадонлар зах тортиб, моғорлаш ҳолати кузатилаётганлиги, деворлар ёрилиб, уйлар авария ҳолатида эканидан депутатга шикоят қилишди.

Депутат Л.Кошелапова қайд этилган масалаларни мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳал этиш чораларини кўришини маълум қилди.

**АНДИЖОН.**

Мамлакатимиз парламенти аъзоларининг ҳудудларда бўлиб, сайёр қабул ўтказаётгани қатор муаммолар ечимига йўл очмоқда. **Қонунчилик палатаси депутати Муҳаррам Дадаходжаева** Андижон туманидаги "Бўтақора" қишлоғининг "Наврўз" маҳалласида сайловчилар билан учрашди. Юзма-юз мулоқотларда ҳудуддаги 20 километрлик йўлни асфальтлаш, Т.Содиқов номидаги мусиқа мактаби биносини таъмирлаш, 27-, 28-, 29-умумтаълим мактабларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, ичимлик сув қувурларини алмаштириш каби муаммолар ўртага ташланиб, депутат ўз ваколатидан фойдаланган ҳолда уларга ечим топишини билдирди.

— Фуқаро Насибахон Абдуллаева саломатлиги яхши эмаслиги, шифокорлар бир неча ойдирки, аниқ ташхис қўймаётганини билдирди,— дейди М.Дадаходжаева.— Унинг кам таъминланган оила аъзоси экани эътиборимни тортди. Туман тиббиёт бирлашмасига бу масалада депутат сўрови билан чиқдим. Ҳозирда шифокорлар беморни даволамоқда. Бундан унинг оиласидагилар ҳам хурсанд.

**Фракция аъзоларининг ҳудудларда очиқ мулоқотлари чоғида ўртага ташланган масалаларнинг бир қанчаси мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этилиб, қолганлари юзасидан ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар давом этмоқда.**

**Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳудудий кенгашларининг матбуот хизматлари хабарлари асосида Д.МАТКАРИМОВА тайёрлади.**

# “Шов-шув”ли чиқишлар

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Биргина “мажбурий обуна” деган важ билан ўқитувчиларга қанча “айб”-лар қўйишди. Газета-журналга обуна бўлган муаллим нақ жиноятчига чиқарилгандай бўлди гўё.

Айниқса, ҳамкасбига “фалон газетага сен ҳам обуна бўлсанг, яхши бўларди”, деган ўқитувчи балога қолиши аниқдай. Бирор муаллим ўзи истаса ҳам газета-журналга ихтиёрий обуна бўлишдан чўчийдиган эмас, қўрқадиган ҳолга тушди, десак ишонаверинг. Бир амаллаб обуна бўлган муаллимлар ҳам бора-бора севимли газетасини ҳеч кимга кўрсатмай ўқиса, дарс жараёнида ўқувчиларга ҳам фойдали мақолалар ҳақида энди лом-мим демаса, ажаб эмас! Обуна бўлмаган ўқитувчилар эса газета-журнални ўз уйида хотиржам варақлаш имконидан айрилди ҳисоб. Аслида китобхонлик, демак, газетхонлигу журналхонлик кўникмаси ҳам фарзандларимизда оила, боғча ва мактаб муҳитида шаклланиб, мустаҳкамланиб бориши, бунинг учун, аввало, ота-оналар, муаллимларнинг ўзи ибрат бўлиши зарурлигини “шов-шув”севарлар унутиб қўйишди чоғи. Буларнинг барчаси МАЪНАВИЯТ тушунчаси билан боғлиқ эканини назарда тутсак, “мажбурий обуна” баҳонасида пашшадан фил ясашга уринишлар оқибати миллат маънавиятига салбий таъсир қилишини англаймиз. Ўқитувчиларга ёрдам бериш, таълим соҳасида мавжуд муаммолар ҳақида ёритишни истаган ижодкор дилидан “Матбуот нашрларига обуна бўлиш ихтиёрий экан, келинг, буни барча қатори ўқитувчиларнинг ҳам ўз ихтиёрида қолдириб, уларни тинч қўяйлик”, деган фикр кечиб қолар, деб умид қилдик. Хайрият, шу мазмундаги чиқишлар ҳам йўқ эмас.

Барчага аёнки, муаллимлару ўқувчиларни ўйлантираётган, таълим сифатига салбий таъсир қилаётган бир қатор муаммолар жойларда ҳамон ечимини кутмоқда. Ана шулар ҳақида “шов-шув”ларсиз ҳам асослантирилган мақолалар орқали ўқитувчиларнинг оғирини енгил қилишга кўпроқ ҳисса қўшсалар, ҳар ҳолда уларни газета-журнал ўқишдан мосуво қилишга “кўмаклашиш”дан кўра, фойдалироқ бўларди, албатта.

Шулар ҳақида ўйлаб ўйимизга етолмай юрганимизда айрим сайтларда ўқитувчи-устозларни обрўсизлантиришга, айниқса, ўқувчиларнинг ўқитувчига бўлган ҳурматини пасайтиришга “ҳисса” қўшадиган “шов-шув”ли хабарлар кетма-кет тарқала бошлади. Улардан бирида уч-тўрт нафар ўқувчидан келиб тушган шикоят асосида юртимиздаги умумтаълим мактабларидан бирида ўрганиш ўтказилгани ҳақида ёзилган. Яъни шу мактабдаги ўқитувчи ўғил болалардан уч-тўрт нафар ўқувчининг “сочини қайчилаб ташлаган” ҳолати жойига бориб ўрганилгани, охир-оқибатда “айбдор” — маънавият бўйича директор ўринбосари “ўз ариза”сига кўра ишдан бўшаб, яна икки ўқитувчи ҳам “ҳайфсан” олгани ҳақида бонг урилди. Мактаб ўқитувчиларининг, сочи билинар-билинмас қирқилган ўқувчининг “далил” сифатидаги суратларини кўриб, бу чиқишлар миллионлаб ўқувчиларнинг маънавиятига, тарбиясига, муаллимларнинг фикрига қандай таъ-




**Интернет сайтларида шунчалик “жар” солиш шарт эмас эди. Мактабнинг ўзида устозлар ва ўқувчилар, ота-оналар билан суҳбатлашиш орқали ўртадаги тушунмовчилик бартараф этилса, ўқувчиларнинг тарбиясига ижобий таъсир қилармиди? Ҳалигача сочини калталатмай юрган ўқувчи ҳам ўша заҳотиёқ арзимаган бу “далил”дан воз кечиб, олтиндан қиммат вақтини билим ўрганишга сарфлаш ўзи учун фойдали эканини тушуниб қолармиди?**

сир қиларкан, деган савол бизни ўйлантириб қўйди.

Ана энди калталатиш учун огоҳлантириш маъносида озгина сочи, сайт мақоласида айтилганидек, “билинар-билинмас” қирқилган (“қайчилаб ташланган” эмас) ўқувчилар ўзини ўқитувчилар олдида қандай ҳис этишини тасаввур қилинг. Шикоятлари бундай натижа берганидан сўнг улар нақ “қаҳрамон”га айланиб қолмадимикан? Бу ҳол бошқа ўқувчилар тарбиясида қандай акс-садо беради, деб ўйлайсиз? Шундай жазоланишлар ҳақида ўқиган баъзи ёшлар мактабларда ўқувчиларни тарбиялашга интилган устозлар устидан шикоят қилсак, ўқитувчилар бизга “ғиринг” демайдиган бўлади, деб ўйлашса-чи? Қай бир ўқувчи мактаб тартиб-қоидаларига бўйсуниб, устозларни ҳурмат қилиб, улардан билим олиш ўрнига уни тартибга чақирган ўқитувчини “ҳуқуқимни поймол қиляпти”, деб айблашга ўрганиши ҳеч гап эмас.

Иккинчи томондан, бу “шов-шув”-лардан балки юраги шувиллаб қолган ўқитувчилар энди таълим масканларида ёшларни қандай қилиб тарбиялайди, уларга талабчан бўла оладими? Балки бошқаларни ҳам, айниқса, ўқитувчиларни (!) шу мазмундаги саволлар ташвишга солаётган бўлса, ажаб эмас. Ўйлайманки, бундай саволларга бефарқ қарасак, эртага бу бизга қимматга тушиши мумкин. Газета-журнал ўқиш-ўқитишдан деярли мосуво қилинаётган ҳамкасбларимиз, яъни устозлар эндиликда ота-оналар уларга ишониб топшириб қўйган **фарзандларни тарбиялашдан ҳам қўрқиши, ўз ҳолига ташлаб қўйиши** керак эмас. Мақолада тарбия мақсадида ўқувчиларнинг сочини билинар-билинмас қирқиб қўйган ўқитувчига “ҳайфсан” беришмоқчи бўлганида, у ўз аризасига биноан ишдан бўшагани ҳақида ёзилган. Ким билади, балки муаллимнинг ҳафсаласи пир бўлиб, барчасига қўл силтаб, ариза ёзиб қўя қолгандир.

Шу ўринда интернет тармоқларида, таъбир жоиз бўлса, кўпиртириб ёзиш, ўқитувчиларнинг суратларини “айбдор” каби “илиб” қўйиш даражасида муаммо жиддиймиди ўзи, деган савол туғилади. Агар у қадар жиддий бўлмаса, устозларни бунчалик изза қилиш ўринли бўлдимикан? Очиғи, устоз деган сўзга халқимизнинг ҳурмати ҳаққи, соч қирқиш важи билан муаллимларни изза қилишга озгина ийманишмағанлиги дилимизни оғритди. Бундай чиқишлар эса жамиятда ўқитувчиларнинг мавқеи, обрўсига ҳам озми-кўпми дахл қилмай қолмаса керак.

Шу ўринда энди оддий ҳаётга бир назар ташлаб кўрайлик. Дейлик, 25 ёшдан ошган барча эркак кишилардан ўқувчилик пайтларида шундай ҳолатлар бўлганми, деб сўрасангиз, кўпчилиги кулимсираб “ҳа, шундан сўнг сочини олдириб келади-да”, дейиши тайин. “Хафа бўлганмисизлар?”, десангиз, “Йўқ, бунинг нимасига хафа бўлади, “жулик” бўлиб кетмасин, дейишган-да”, дея суҳбат давомида ўқитувчиларни меҳр билан эслайдилар. Агар уларга нисбатан ҳам юқорида зикр қилинган каби муносабатда бўлинганида эҳтимол, минглаб ўқитувчилар кўпчилик олдида изза қилиниб, ишдан бўшатилиб, “ҳайфсан”лар ёғилган, ўқувчилар эса билим олиш, тартиб-интизомга риоя этиш ўрнига шикоятбозликни авж олдириб юборишган бўлишарди...

Психолог сифатида бола руҳияти нозик ва таъсирчан бўлиши, унинг тарбиясини тўғри йўналтириш зарурлигини айтишни истардим. Айниқса, уларни бу масалада адаштириб қўймаслигимиз шарт.

Мақолада ёзилганидек, “дакки эшитиб, сочи кесиб ташланган бўлса ҳам ҳалигача сочини калталатмай юрган ҳолатга ҳам гувоҳ бўлдик” деган жумлаларни “сочи билинар-билинмас қирқилган болалардан бири (ёки баъзилари) ҳалигача сочини калталатмабди”, деган мазмунда ифодаласа ҳам бўларди, албатта. “Бўлим мудири билан 22 январь кунги суҳбатимизда, мудир ходим ишдан бўшатилганлиги хусусида лом-мим ҳам демаганди”, каби жумлалар эса одамларнинг “тўртинчи ҳокимият” шу бўлса керак, деб ўйлашига бир туртки бўлар балки.

Бизнингча, интернет сайтларида шунчалик “жар” солиш шарт эмас эди. Мактабнинг ўзида устозлар ва ўқувчилар, ота-оналар билан суҳбатлашиш орқали ўртадаги тушунмовчилик бартараф этилса, ўқувчиларнинг тарбиясига ижобий таъсир қилармиди? Ҳалигача сочини калталатмай юрган ўқувчи ҳам ўша заҳотиёқ арзимаган бу “далил”дан воз кечиб, олтиндан қиммат вақтини билим ўрганишга сарфлаш ўзи учун фойдали эканини тушуниб қолармиди? Ва қачондир улар ҳам “шўх бўлганмиз-да”, деб эслашармиди. Ҳар ҳолда “бир пайтлар устозларни изза қилганмиз, эсласак ўзимиздан уялиб кетамиз. Биз-ку бола эдик, ўша пайтда “ҳайбаракаллачи” акалар биздан кўра, ҳаётда оқ-қорани таниган одамлар эмасмиди”, деб афсуслангандан кўра, самимий меҳр, кечиримлилик ҳисси устувор қолгани афзал.

Эркак ўқитувчиларни умумтаълим мактабларига қайтариш ҳақида кўп бор айтилмоқда, бу борада аҳвол ижобий томонга ўзгараётгани ҳам бор гап. Ўқитувчиларнинг жамиятда обрўсини ошириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки буни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Юқоридаги каби “шов-шув”ли чиқишлар эса, айниқса, эркак ўқитувчиларни мактабда ишлаш фикридан қайтариб қўйиши мумкин. Бу яхши аломат эмас...

**Сўзимнинг охирида айтмоқчи бўлганим, қадим Шарқда фарзанд тарбиясига ҳамиша жиддий қаралган. Фарзандларга, айниқса, ўғил болаларга талабчан ва қаттиққўл бўлишган. Ана шу талабчанлик ва қаттиққўллик меваси ўлароқ, ота-боболаримиз орасидан етишиб чиққан даҳолар дунёни лол қолдиришган.**

**Биз-чи? Биз қай йўлни танлаяпмиз, азиз замондош?!**

**Феруза ҚАРШИЕВА,**
**Хатирчи туманидаги 10-умумтаълим мактаби психолог ўқитувчиси**

# Архив ишига эътиборсизлик барҳам топади

## ПАРТИЯ ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

**Юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, фуқароларимизга муносиб иш ўринларини яратиш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлари аъзолари жойларда юзма-юз мулоқотлар олиб боришмоқда. Бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳам бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.**

Очиқ мулоқотлар чоғида фуқаролар яратилган муносиб иш шароитларида Ватанимиз тараққиёти, оилалари фаровонлиги учун сидқидилдан меҳнат қилишаётганини таъкидлашмоқда. Шу билан бирга, ўрганишларда ёшга доир пенсияга чиқиш вақтида бир қатор муаммоларга дуч келиш ҳолатлари борлиги кузатилмоқда.

Фуқароларнинг ўринли эътирозларига сабаб бўлаётган бундай ҳолатлар мансабдор шахсларнинг эътиборсизлиги туфайли архив ишлари тўғри йўлга қўйилмаслиги, айниқса, хусусий сектор вакилларининг бу соҳани етарли даражада тушунмаслиги боис ҳужжатларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда сақлаш талабларига риоя қилмаслиги оқибатида келиб чиқмоқда. Айниқса, фаолияти тугатилган кўплаб юридик шахсларнинг ходимлар иш фаолиятига оид ҳужжатлари архивга топширилмасдан йўқолиб кетмоқда. Бу ҳолатлар эса фуқароларнинг пенсияга чиқиш учун ташкилотма-ташкилот юриб, ойлаб ҳужжат йиғишига, пенсия олиш ҳуқуқининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” СДП-нинг **“Ижтимоий соҳа ривожи – аҳоли фаровонлигининг гарови”** лойиҳаси доирасида партиянинг ишчи гуруҳлари томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ходимлар меҳнат фаолиятига оид ҳужжатларни давлат архивларига топшириш, жойларда ушбу соҳага оид қонунчиликка амал қилиш ҳолатлари юзасидан республикамиз ҳудудларидаги давлат архивлари ва идоравий архивларда жамоатчилик назорати тартибида ўрганишлар олиб борилди.

Туман-шаҳарлардаги давлат хизматлари агентлигидан олинган маълумотларга кўра, 2012-2017 йилларда **68 594** та ташкилот тугатилган бўлиб, уларнинг фақатгина **22 347** тасининг (**32,6 фоизи**) ҳужжатлари архив муассасаларида мавжуд, қолган **46 247** та **(67,4 фоизи)** тугатилган корхона ва ташкилотларнинг ҳужжатлари сақлаб қолинмаган. Натижада фуқаролар меҳнат фаолиятига оид ҳужжатлар ва фуқароларнинг кўп йиллик меҳнатини тасдиқловчи маълумотлар ташкилот раҳбарларининг ўз ишига масъулиятсизлиги туфайли йўқолиб кетган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги қонунининг 5-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига кўра “Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилган тақдирда уларнинг архив ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли давлат архивларига берилиши лозим” эканлиги белгилаб қўйилган.

**Туман-шаҳарлардаги давлат хизматлари агентлигидан олинган маълумтларга кўра, 2012-2017 йилларда 68 594 та ташкилот тугатилган бўлиб, уларнинг фақатгина 22 347 (32,6%) тасининг ҳужжатлари архив муассасаларида мавжуд бўлиб, қолган 46 247 (67,4%) та тугатилган корхона ва ташкилотларнинг ҳужжатлари сақлаб қолинмаган. Натижада фуқаролар меҳнат фаолиятига оид ҳужжатлар ва фуқароларнинг кўп йиллик меҳнатини тасдиқловчи маълумотлар ташкилот раҳбарларининг ўз ишига масъулиятсизлиги туфайли йўқолиб кетган.**

Партия ишчи гуруҳлари томонидан ҳудудлардаги **1 800** дан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда давлат, нодавлат ва идоравий архивларда ўрганишлар олиб борилди. Аниқланишича, мазкур ташкилотлардан фақатгина **620** та (**34 фоиз**) корхона ва ташкилот идоравий архиви барча талабларга мос, **829** тасида (**46 фоиз**) идоравий архивлар белгиланган талабларга жавоб бермайди, **278** тасида **(20 фоиз)** эса идоравий архив умуман шакллантирилмаган.

Бундай салбий ҳолатларнинг юзага келишига ташкилот раҳбарларининг масъулиятсизлиги, идоравий архив учун штат асосида алоҳида ходим ҳамда идоравий архив хоналари ажратилмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Мисол учун, архив ишлари аҳволи ўрганилган **478** та ташкилотда идоравий архив учун штат асосида алоҳида ходим ажратилган, **1374** та ташкилотда масъул ходим бириктирилган, **219** та ташкилотда эса архив иши ҳеч кимга юклатилмаган. Ташкилотларнинг **686** тасида идоравий архив учун алоҳида хона ажратилмаган ва **609** тасида давлат архиви ташкилоти билан ҳеч қандай ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилмаганлиги аён бўлди.

Ўрганишларда ташкилотларга **102 186** нафар фуқаро меҳнат фаолиятига оид маълумотлар олиш юзасидан мурожаат қилган бўлиб, уларнинг **5 093** нафарига ҳужжатлари йўқолиб кетганлиги сабабли сўралган маълумотлар берилмаган.

Шунингдек, ишчи гуруҳлари аъзолари **196** та архив муассаси фаолиятини ўрганди, уларнинг **100** таси давлат архиви ва **96** таси идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб архивлари ҳисобланади.

“Архив иши тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Миллий архив фонди таркибига киритилган, тегишли ҳудудда жойлашган давлат архивлари ва идоравий архивларда турган архив ҳужжатларининг сақланиши учун лозим даражадаги шарт-шароитларни таъминлаши ва архив ҳужжатларининг ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширилиши белгиланган. Бироқ амалда ушбу қонун ижроси маҳаллий давлат органлари томонидан таъминланмаётган ҳолатлар бор.

Хусусан, **196** та архив муассасаларидан **74** тасининг бинолари таъмирталаб ҳолатда, уларнинг **63** тасида хоналар етарли эмас, **38** та архив муассасаси хоналари кондиционер, ёруғлик, вентиляция билан умуман таъминланмаган, **80** та архивда кино-фото, фоно ҳужжатларни сақлаш учун алоҳида хона мавжуд эмас, **40** та давлат архиви ва **34** та идоралараро шахсий таркиб ҳужжатлари архивларини янги бино билан таъминлаш зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, идоралараро шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари хўжалик ҳисобида бўлганлиги ва уларга архив ҳужжатларини шартнома асосида топширган ташкилотлар тугатилиб кетганлиги сабабли архивларнинг солиқдан ва ходимларнинг ойлик маошларидан қарздорлиги **635** миллион сўмни ташкил этганлигини ҳам асло назардан четда қолдириб бўлмайди.

Ўрганилган архив ташкилотларига 2014-2017 йиллар давомида фуқаролар томонидан келиб тушган **672 830** та иш ҳақи ва иш стажи тўғрисидаги сўровларнинг **45 067** тасини **(7 фоизи)** қаноатлантириш имкони бўлмаган.

Бошқача айтганда, “Архив иши тўғрисида”ги қонуннинг ижроси ва архив идораларига барча зарурий шарт-шароитларни яратиб беришга масъул бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215⁴-моддасида архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бироқ амалда сўнгги беш йилда тугатилган корхона ва ташкилотларнинг **46 247** тасининг **(67,4 фоизи)** ҳужжатлари йўқолиб кетгани ва бунинг натижасида фуқароларнинг **45 067** та мурожаатлари жавобсиз қолганлигига қарамасдан, бирорта ҳам мансабдор шахс мазкур модда бўйича жавобгарликка тортилмаган. Бунинг сабаби “Архив иши тўғрисида”ги қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгилашнинг аниқ механизми йўқлиги билан боғлиқдир.

Яна бир жиҳат, давлат ва нодавлат архиви ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларнинг меҳнат шароитлари ҳам етарлича таъминланмаган, натижада архив ишини юритишда малакали мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳамда “Ўзархив” агентлиги ҳамкорлигида “Ўзбекистон Республикасининг архив иши қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига таклиф сифатида киритилди. Айни кунларда фракция аъзолари ушбу таклифни атрофлича ўрганмоқдалар.

**Фаррух АБДУҲАМИДОВ,**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП Матбуот хизмати масъул ходими**

# Солиқ ислоҳотларининг янги босқичи

**ИҚТИСОДИЁТ**

**Солиқ тизимидаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳеч кимни — тарбиркорларни ҳам, жисмоний шахс сифатида солиқ тўловчиларни ҳам бефарқ қолдирмайди. Чунки солиқ тизимида ислоҳотларни амалга оширмай туриб эртанги кунимизни, фаровон жамият қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис кейинги икки йилда солиқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимизнинг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармони ҳамда 2018 йил 26 июндаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шулар жумласидандир.**

**Мухбиримиз Ургут тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Зариф Аминов билан солиқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, давлатимиз раҳбарининг юқорида номлари келтирилган фармон ва қарорлари ижроси хусусида суҳбатлашди. Қуйида ушбу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.**




— Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар соҳадаги мавжуд муаммоларга барҳам бериш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Асосий мақсад солиқ тўловчилар зиммаларидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари, нима учун солиқ тўлаётганликларини тўлиқ ҳис қилишлари, бу жараёнларда давлат солиқ хизмати органларидан рози бўлишларига эришишдан иборат.

Шунингдек, солиқ тўловчилар даромадини яширмай, солиқларни ўз вақтида тўлашлари учун маъмурий тартиб-таомилларни камайтириш, соддалаштириш, иқтисодиётда хуфёна айланмаларни қисқартириш ҳисобига бюджетнинг даромад қисмини барқарор шакллантириш, бу орқали солиққа тортиладиган базани ва инсофли солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш асосий масалалардан бири этиб белгиланди.

Текширувдан олдинги таҳлил ва масофавий назорат-таҳлил ишларини амалга ошириш учун маълумотларни тўлиқ йиғиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чораларини янада кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бу, ўз навбатида, солиқ маъмуриятчилиги ва назоратининг мутлақо янги тизимини яратиш, шунингдек, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ва олдини олишга хизмат қилади.

**— 2019 йил 1 январдан бошлаб, ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти (пул айланмаси) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилди. Бу борада Ургут туманида қандай ишлар амалга оширилаяпти?**

— Бугунги кунда туманимизда умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчилар — 102 та юридик шахс ҳамда 24 та якка тартибдаги тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғи тизимига ўтиш лозимлиги сабабли уларга туман давлат солиқ инспекциясидан малакали мутахассислар бириктирилди. Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари билан суҳбатлар ўтказилиб, юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатлар бўйича масъул ходимлар томонидан тушунтиришлар бериб борилмоқда. 2019 йил 1 январдан қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтган корхоналар — улгуржи ва чакана савдо бўйича 26 та, қурилиш — 8 та, дорихона — 3 та, ишлаб чиқариш — 63 та, умумий овқатланиш — 1 та, қишлоқ хўжалигига ихтисослашгани — 1 та. Товар айланмаси 1 миллиард сўмдан 3 миллиард сўмгача бўлгани 34 та. Товар айланмаси 3 миллиард сўмдан ортиқ бўлгани эса 68 тани ташкил этади.

**— Солиқ кодексининг 197-моддасида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари белгилаб қўйилган. Қўшилган қиймат солиғини жорий этишдан қандай мақсад кўзлангани ҳақида батафсил тўхталиб ўтсангиз?**

— Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда солиқ мажбуриятларининг бажарилишида корхоналарнинг маъмурий харажатлари ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида жорий этилмоқда. Мазкур тартиб солиқ маъмуриятчилиги сифатини яхшилаш учун асос шакллантириш имконини берадиган ўтиш даври бўлиб, 2021 йил 1 январгача бўлган даврга жорий қилинади. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини айланмаси 3 миллиард сўмдан ошмайдиган корхоналар қўллаши мумкин. Бу тартибга ўтиш солиқ органларига белгиланган шаклда тақдим этилган аризага асосан амалга оширилади. Соддалаштирилган тартиб бўйича қўшилган қиймат солиғи харид қилинган товар(иш, хизмат)лар учун тўланган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда соф тушумдан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юки барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдорида жорий этиш орқали камайтирилади, шундан 0,1 фоизи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтирилади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадаллари бекор қилинди. Бунинг ўрнига пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида якка тартибдаги тадбиркорлар, меҳнат фаолияти ҳисобга олинмайдиган шахслар, шунингдек, солиқ бўйича солиқ агентлари ҳисобланмайдиган манбалардан даромад олувчи шахслар учун жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган ягона ижтимоий тўлов жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ягона солиқ тўловчи ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 4 фоиз миқдорида белгиланди.

Хусусан, чакана савдо соҳасида солиқ тўловчилар аҳолиси 100 минг кишидан кўп шаҳарларда 4 фоиз, бошқа аҳоли пунктларида 2 фоиз, бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда 1 фоиз, алкоголь, тамаки, бензин, дизель ёқилғиси, сиқилган ва суюлтирилган газ реализацияси билан шуғулланувчи шахслар 4 фоиз, улгуржи савдо корхоналари учун 4 фоизлик солиқ ставкаси амалда бўлади.

Мазкур қарорга мувофиқ, ягона ижтимоий тўлов ставкалари солиқ солинадиган базага нисбатан бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар учун 25 фоиз, бошқа юридик шахслар учун 12 фоиз миқдорида белгиланди.

Суҳбатимиз сўнггида айтиб ўтишни истардимки, барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар пировардида мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!**

**"Adolat" мухбири**
**Олим ҲАКИМОВ суҳбатлашди**

**Бугунги кунда пойтахтимизда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таъмирталаб бўлган Ўзбекистон Миллий университети ҳамда талабалар шаҳарчаси ҳудудларида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди.**

## Талабалар шаҳарчасининг қиёфаси ўзгаради

Шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган, замонавий архитектурага мос пиёдалар йўлаклари, махсус велосипед йўллари, автомашиналар учун 400 ўринли автотураргоҳ барпо этилмоқда. 5600 кв.метр автомобиль йўллари асфальт қилиниб, автомототранспортлар қатнови чегараланади, 11 минг кв.метрга яшил майсалар ётқизилади, 1,800 п/метр ирригация тармоқлари янгиланади. Талабаларга янада қулайлик яратиш мақсадида, замонавий ўриндиқлар ўрнатилади. Университет раҳбарияти томонидан бино ҳудудидаги ҳимоя панжаралари олиб ташланди.

Ҳурматли фуқаролар, шаҳримиз меҳмонлари, азиз талабалар!

Олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари сабаб вақтинчалик юзага келаётган ноқулайликлар учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги узр сўрайди.

Ушбу қурилиш ишлари 15 кун муддатда якунланади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати**

# Кўҳна тарихимизнинг сўнмас оҳанглари

***ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ***

**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳа ривожига тўсқинлик қилаётган камчилик ва муаммолар очиқ-ойдин айтилди. Мурожаатномани тинглар эканман, давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсат — ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий юксалиш сифатида дунёни янада теранроқ англашимизга хизмат қилиб, ҳаётимизда катта ўзгаришларнинг юзага келишига сабабчи бўлаётганлигини ҳис қилдим.**



Президентимизнинг **"Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Шу мақсадда, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси таркибида "Ўзбекистон тарихи" каналини ташкил этиб, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини пухта шакллантириш керак,"** – дея қилган даъватлари тарихимиз ва маданиятимизни том маънода, янада чуқурроқ ўрганиш борасида қўйилган яна бир шиддатли қадам бўлди.

Муҳтарам Президентимизнинг миллий маданиятимиз ва санъатимиз истиқболини ўйлаб қабул қилаётган фармон ва қарорлари маданиятимиз тарихининг ҳали биз билмаган янги саҳифаларини очмоқда.

Ўтган давр мобайнида қадимий ва ноёб дурдоналаримиз ҳисобланган мақом, бахшилар ва достончилик санъатининг эътибордан четда қолиб келаётганлиги маданиятимиз тарихига бўлган салбий ҳолатлардан бири эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг миллий маданиятимизнинг туб илдизи ва жон томири бўлган мумтоз қўшиқчилик ҳамда халқ ижодиётининг дурдоналарини асрабавайлаш борасидаги ғамхўрликлари туфайли санъатнинг ушбу турларини янада ривожлантириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарорлари мақом ижрочилари ва бахшиларнинг кўнгилларини шод этиб, кўп йиллар деворда осиғлиқ қолиб, чанг босиб ётган созларга жон ато этди десак, тўғри бўлади. Мазкур қарорлар миллий санъатимиз тарихини янада чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, асл санъатни сохтадан, яхшисини ёмондан ажратиш, шунингдек, ўзбек миллий бахшичилик ва достончилик санъатининг қадимий намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда такомиллаштиришга кенг имкониятлар яратмоқда. Президент қарори ижросини юқори савияда таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг буйруғи тайёрланиб, ташкилий, ижодий ишлар тизим ташкилотларига тақсимот қилиб берилди. Буйруққа кўра, Марказимизга топширилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали ва унинг доирасида ўтказиладиган илмий-амалий анжуман борасида бир қатор диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Ўзбекистон бахшилари" номли китоб-альбом нашрга тайёрланиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиш учун "Ўзбекистон" нашриётига топширилди. Мазкур китобга қадимий бахшилик санъатини асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга олиб ўтган атоқли намояндалар — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Бекмурод Жўрабой ўғли, Умир шоир Сафар ўғли, Бола бахши, Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир бахши Раҳимов ва мустақиллик йилларида бахшичилик санъатини тарғиб қилиб, халқимиз орасида ҳурмат қозонган 23 нафар Ўзбекистон халқ бахшилари ҳамда 5 нафар "Ниҳол" мукофоти совриндорлари бўлган ёш бахшилар киритилди.

Шунингдек, Президент қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида фестивални тарғиб этишга мўлжалланган ўзбек, рус ва инглиз тилларида видеоролик тайёрланди. Республикамизда фаолият олиб бораётган қарийб 240 нафар бахшилар рўйхати шакллантирилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан Марказ ҳамкорлигида телевидение ва радио архивида сақланаётган бахшилар ижросидаги достонларни магнит тасмалардан замонавий фармат – CD ва DVD дискларга ўтказиш йўлга қўйилди. Бугунги кунга қадар 20 нафар бахши ижросидаги достонларнинг аудио дисклари тайёрланди. Ушбу аудио ёзувдаги достонлар қоғозга туширилиб, рисолалар тайёрланмоқда. Ҳозиргача 10 та достон китоб ҳолатига келтирилди.

Марказ томонидан ушбу анжуман тўғрисида маълумот бериш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда МДҲ мамлакатлари ҳамда бошқа хорижий давлатлардаги тегишли ташкилот ва муассасалар билан алоқалар ўрнатилиб, мазкур фестивалда 100 га яқин хорижий давлатлар вакилларининг иштирок этиши кутилмоқда. Айни пайтда ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб бораётган 30 нафар хорижлик олимлар анжуманда иштирок этиш истагини билдириб, ўз маърузаларини тақдим этганлар. Улар орасида АҚШ, Германия, Россия, Хитой, Япония ва Туркия каби йирик мамлакатлар вакиллари борлиги барчамизни хушнуд этмоқда. Бундан ташқари, фестиваль ва анжуман ҳақидаги анонслар уч тилда Марказ сайтига жойлаштирилди.

Халқаро фестивални мунтазам ёритиб бориш мақсадида вазирлик томонидан www.bakhshi.uz веб-сайти ишга туширилиб, мазкур сайтга бахшилар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уларга доир фото, видео ва аудио материаллар жойлаштирилди. Ушбу сайтда халқаро фестивалда иштирок этиш учун online аризалар қабул қилиш ҳам йўлга қўйилди.

Президентимизнинг бахшичилик санъатини халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга қаратилган қарори кўҳна тарихимизнинг сўнмас оҳангларини бутун дунёга эшиттириш ва бу ноёб санъатнинг ўзига хос ижрочилик услуби ва хусусиятларини намойиш этиш учун зарур бўлган барча имкониятларни яратади. Келгусида бахшиларимиз дўмбирасининг оҳангини, ўзбек халқи достонларидаги ибратли ва ҳикматли инсонпарварлик ғояларини мадҳ этувчи қўшиқларни дунё аҳли тинглайди. Фестивалга ташриф буюрадиган чет эллик меҳмонлар бой тарихимиз билан яқиндан танишиб, қалбларга фақат эзгулик уруғлари сочадиган дўмбиранинг ноёб оҳангидан ва бахшиларнинг юксак маҳорати билан инсонни комилликка етаклайдиган халқ оғзаки ижодининг нодир дурдоналаридан баҳра оладилар.

Бахшиларнинг халқаро биринчи фестивалини 2019 йилнинг 5-10-апрель кунлари ўтказиш режалаштирилган. Фестиваль Термиз шаҳридаги янгидан барпо этилган санъат саройида бўлиб ўтади. Айни кунларда Маданият вазирлигининг халқаро бахшилар фестивалини ўтказиш штабида иш қизғин. Фестивалга тайёргарлик ишлари авж палласида.

Хулоса шуки, халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, демак, ҳаммамизнинг биринчи галдаги вазифамиз, аввало, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш йўлида бор куч-ғайратимизни сафарбар этишдан иборат. Телерадиокомпания таркибида ташкил этиладиган "Ўзбекистон тарихи" телеканали эса санъатимиз тарихи, хусусан, мамлакатимиздаги бахшичилик мактаблари вакилларининг меросини ҳам халқимиз ва дунё миқёсида тарғиб этишга хизмат қилади.

**Азамат ҲАЙДАРОВ,**
**Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори**

# Газ сўрғичдан чиққан ёнғин

## МЕНДА ТАКЛИФ БОР

**Олтиариқ туманининг "Олтиариқ" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Меҳмонали Иброҳимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ойнаи жаҳон орқали эфирга узатилаётган ёнғин хавфсизлиги ва ёнғинга қарши кураш мавзусидаги кўрсатувни кўриб ўтираркан, кўзига дув-дув ёш келди. Чунки кўрсатувдаги тилсиз ёв оқибатида юзага келган мудҳиш ҳолатлар тасвири унга икки йил муқаддам ўз уйида бўлиб ўтган аянчли воқеани эслатганди.**






Ўшанда 2017 йилнинг январь ойи эди. Яшаш уйига ўрнатилган иситиш печига қўлбола газ сўрғич ва резина шланг орқали газ тортилган. Тун ярмида чироқ ўчиб-ёнгач, хона газ ҳидига тўлган. Хонадон соҳиблари чироқни ёққанда кучли портлаш ва ёнғин юз берган. Бунинг оқибатида кўрилган моддий зарар ҳам майлику-я, энг ачинарлиси, М.Иброҳимовнинг ҳомиладор келини портлаш қурбони бўлган.

Фарзанд доғини ҳеч кимга кўрсатмасин экан. Шундан буён Меҳмоналининг қудалар олдида ҳам боши эгик, ичига чироқ ёқса ёришмайди. Қачон ва қаерда ёнғин хусусида гап кетса ёки юқоридагидек унинг мудҳиш оқибатларини кўрганда келинини эслаб, йиғлайди. Ўшанда уйига қўлбола газ сўрғич келтириб, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганини ўйлаб, юраги эзилади.

Ёки 2018 йил якунида ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилмаслик оқибатида яна бир маҳалладошимиз Жумақўзи Васиевнинг 5 хонали уйи барча жиҳозу анжомлари билан бирга куйиб кул бўлди. Уйининг тўрт девори қолди, холос.

Албатта, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Пировардида, кимдир ҳаётдан эрта кўз юммоқда, гўдаклар тирик етим бўлмоқда, айримлар эса ярим-жон бўлиб, ногиронга айланмоқда. Бу каби аянчли воқеалар ва ёнғинларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди, туман ва шаҳарларида ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда профилактика инспекторлари, фаоллари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, электр ва газ таъминоти идоралари вакилларидан иборат махсус гуруҳлар тузилган. Аммо ҳамюртларимиз газ сўрғич ва қўлбола иситиш мосламаларидан онгли равишда воз кечмас эканлар, тилга олингани каби аянчли воқеалар барҳам топмайди. Ҳар йилги куз-қиш мавсумида такрорланаверади. Қолаверса, жамоатчилик, яъни қўни-қўшни, маҳалла-кўй ва ён-атрофдагилар ҳам бу масалада бир-бирига эътиборли бўлиши, қонунбузилиш ҳолатидан хабар топган шахс тегишли идораларга хабар бериши муаммога чек қўйишнинг энг мақбул йўлидир. Негаки, қўни-қўшни ва маҳалладошлар ким газ сўрғич ёки ностандарт иситиш мосламаларидан фойдаланаётганини жуда яхши билади. Шу боис бундай тоифадаги шахсларнинг эҳтиётсизлигидан шунчаки нолиб қўявермасдан уларнинг хатти-ҳаракатига кўпчиликнинг назорати тарзида барҳам бериш айни муддао бўларди.

**2017 йилнинг январь ойи эди. Яшаш уйига ўрнатилган иситиш печига қўлбола газ сўрғич ва резина шланг орқали газ тортилган. Тун ярмида чироқ ўчиб-ёнгач, хона газ ҳидига тўлган. Хонадон соҳиблари чироқни ёққанда эса кучли портлаш ва ёнғин юз берган. Бунинг оқибатида кўрилган моддий зарар ҳам майлику-я, энг ачинарлиси, М.Иброҳимовнинг ҳомиладор келини портлаш қурбони бўлган.**

Шу йилнинг 10 январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам Президентимиз ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласи хусусида сўз юритиб, кейинги вақтда ис газидан заҳарланиш ҳолатлари кўпайиб бораётганини, бунинг асосий сабаби эса иситиш жиҳозларини техник кўрикдан ўтказиш ва таъмирлаш етарли даражада назорат этилмаётганини кескин танқид қилди. Энг муҳими, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ҳамда дахлдор вазирликларга иситиш жиҳозлари, мўри ва бошқа ускуналарнинг техник ҳолатига масъул давлат идорасини белгилаш, газ ва кўмир асосида иситишга мўлжалланган бино-иншоотларни ис газини ўлчаш ускуналари билан жиҳозлаш бўйича техник регламент ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, куз-қиш мавсуми бошланди дегунча кунда-кунора уяли телефонларимизга Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг *"Иситиш печларидан фойдаланиш қоидаларига амал қилинг. Ностандарт печлардан фойдаланманг. Ис газидан заҳарланишдан сақланинг"* деган мазмундаги хабарномаси келиб туради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасида электр, иссиқлик энергияси ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Лекин айрим кишилар қачонки ёнғиндан азият чекиб, боши деворга урилмагунча бундай огоҳлантиришларга, қонун талабларига ҳамда масъул идоралар ходимларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тушунтириш ва тарғибот ишларига қулоқ тутавермайдилар.

Шу ўринда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид айрим таклиф ва мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Масалан, ИИБ ЁХБ ва бошқа идоралар вакиллари текшириб келгудек бўлса, газ сўрғич ва қўлбола иситиш мосламалари мавжуд хонадонлар соҳиблари дарҳол уларни яшириб қўйишади. Улар кетишгач яна аввалгидек фойдаланаверишади. Мажбурий ижро бюроси ходимлари электр ва газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолати юзасидан жойларда тушунтириш ва назорат ишларини олиб боришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. **Айниқса, масъул идоралар қўлбола иситиш мосламалари ва газ сўрғич ишлаб чиқарувчиларни аниқлаб, уларга нисбатан қонуний чора кўриши зарур. Энг муҳими, бозорларда ҳаёт учун хавфли бўлган бундай ускуналар сотилишига чек қўйиш шарт**. Шу билан бирга, хонадонларни электр ва газ тармоғидан огоҳлантиришсиз узиш ҳолатларига йўл қўйган масъул ходимларнинг жавобгарлик масаласини ҳам унутмаслик лозим.

Шу ўринда айрим саволлар пайдо бўлади. Яъни бундай асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариб ёки хориждан олиб кириб бозорларимизда сотаётган бизнесменлар бу ускуналар одамларнинг ҳаётига зомин бўлаётганини ўйлашмайдими? Фожиалар қурбонлари кимнингдир фарзанди, онаси, отаси, опа-сингил, ака-укаси эканлиги уларга заррача ҳам таъсир қилмайдими? Газ сўрғичдан чиққан ёнғин бир хонадонни бор-будидан, жигарларидан айириб қўйса, бизнесдаги ҳалоллик, виждон тушунчаси қаёқда қолди — ҳаммаси пулга алмашиб кетганми? Бундай "тадбиркор"ларнинг хавфли товарлари нималарга "қодир" бўлаётгани ҳақида эшитиб-кўрган пайтида уларнинг афсусланмагани "бозори чаққон" бўлишга интилишаётганидан ҳам аён. Одамлар нима бўлса бўлсину "бизнес" зарар кўрмасин экан-да, шундайми?

**Бошқаларга ибрат маъносида оммавий ахборот воситаларида аниқланган ҳолатлар ҳақида ёритиб бориш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, ёнғин тилсиз ёв эканлигини ҳамиша ёдда тутайлик.**

**Абдуҳалил МАМАТОВ,**
**меҳнат фахрийси,** Олтиариқ тумани

## ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

**Сайфулло Акобиров** *(исм-шарифлар ўзгартирилган)* **беш фарзанднинг отаси бўлса-да, муқим ишнинг этагидан тутмади. Бўйни ишга ёр бермади. Осон бойлик орттириш йўлидаги қинғир ишлари охир-оқибат унга панд берди.**

### Қинғир ишнинг қийиғи...

Кейинги пайтларда у Яшнобод туманида жойлашган "Янгиобод бозори" АЖ ҳудудида ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шуғулланиб келаётган эди.

Бир куни унинг ёнига Гулмира Орифжонова келиб долларнинг "қора бозор"даги нархи билан қизиқди.

Сайфулло ҳам эринмасдан унга қанчадан олиб, қанчадан сотса, қанча даромад топишини тушунтирди.

Эртаси куни Гулмира унга 700 АҚШ доллари олиб келди. Сайфулло долларларни бир зумда сўмга айлантириб, фойда чўғини чамалаётганда уларнинг ёнига Департаментнинг Яккасарой туман бўлими ходимлари келиб, холислар иштирокида Сайфуллодан ҳозиргина санаб олган долларини ашёвий далил сифатида олишди...

Суд Сайфулло Акобировга жарима жазоси тайинлади.

### Кунида синган кўза

**Турдибек Абдуманнопов** *(исм-шарифлар ўзгартирилган)* **"Аския деҳқон бозори" АЖ ҳудудида ноқонуний валюта савдоси билан шуғулланиб келарди.**

Яқинда Департаментнинг Яккасарой туман бўлими ходимлари томонидан туман ҳудудида ноқонуний валюта савдоси юзасидан тадбир ўтказилди.

Тадбир куни Турдибек бозор ичида ўтган-кетганга "АҚШ доллари керакми? Доллар оламан, доллар сотаман" деб турганди.

Дурдона исмли аёл у билан 200 АҚШ долларини сўмга айирбошлашга келишди.

Аёл 200 АҚШ долларини Турдибекнинг қўлига тутқазди. У эса аёлга келишилган суммани санаб берди. Шу пайт уларнинг ёнига Департамент ходимлари келишди.

"Кўза кунда эмас, кунида синади" деганларидек, Турдибекнинг ноқонуний ишига чек қўйилди...

Турдибек қилган ишидан пушаймон бўлди.

Суд Турдибек Абдуманноповга тегишли жазо тайинлади.

**Бегзод ҲАЙДАРОВ,**
**Отабек ТАШЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖҚК департаменти Яккасарой туман бўлими катта инспекторлари**

## ИИВ ХАБАРЛАРИ

### МОЛ ЎҒИРЛАГАНЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ



2019 йил 18 январь куни Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида яшовчи Қ.Р. ИИБга мурожаат қилиб, шу йил 17 январга ўтар кечаси номаълум шахслар Тоз Қултон маҳалласи ҳудудида жойлашган фермер хўжалиги дала майдонидан 4 бош молларини ўғирлаб, кетганликларини маълум қилган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Самарқанд тумани Чоршанба маҳалласида яшовчи С.И., Самарқанд шаҳар Гўри Ғарибон маҳалласида яшовчилар А.Х., С.Ҳ. ва Даҳбед агро иқтисодиёт коллежи 2-босқич ўқувчиси О.Ҳ.лар содир этганликлари аниқланиб, ушланди.

### ЙЎЛОВЧИ ЖАРОҲАТЛАНДИ



2019 йил 28 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида яшовчи З.И. "Cobalt" автомашинасини Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги "Алишер Навоий" МФЙ ҳудудида ҳайдаб кетаётиб, бошқарувни эплай олмай йўлни иккига ажратиб турувчи бетон тўсиққа бориб урилган.

Натижада автомашина йўловчиси Г.А.(исмли аёл) жароҳат олиб, унга касалхонада тиббий ёрдам кўрсатилган.

### КАФЕДАГИ ГИЁҲФУРУШ



2019 йил 25 январь куни Сирдарё туманида ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида Сирдарё шаҳрида яшовчи А.С. "Бешбармоқ" кафесида 32,55 гр. "марихуана" гиёҳвандлик моддасини 1 250 000 сўмга сотаётган вақтида қўлга олинди.

Тадбир давомида ушбу фуқаро уйидан 1 кг. 619 гр. "марихуана" гиёҳвандлик моддаси топилиб, ашёвий далил сифатида олинди.

### ТАЛОНЧИ УШЛАНДИ



2019 йил 28 январь куни Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида яшовчи Б.Р. Чилонзор тумани Қатортол кўчасида жойлашган дўконда Жиззах вилояти Зомин туманида яшовчи Б.Н.ни куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, 900 000 сўм пулини тортиб олиб кетган.

Кўрилган чоралар натижасида Б.Р. қўлга олинди. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси**

## БОЖХОНА БЕКАТИ



**Симоб ниҳоятда заҳарли моддалар қаторига киради. Айниқса, унинг очиқ ҳолда буғланиб ҳавода тарқалиши инсон соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин. Аммо шунга қарамай мўмай даромад эвазига мазкур заҳарли моддани ноқонуний сотишга уринган айрим кимсалар ҳам учраб турибди.**

### 15 килограмм симоб ва 100 минг АҚШ доллари

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими томонидан Бектемир туманида ўтказилган тадбир давомида фуқаролар Д.А. ва З.А. "шартли харидор"га 15 килограмм симобни 100 минг АҚШ долларига сотаётган вақтида қўлга олинди.

Ҳозирда мазкур ҳолат бўйича тегишли процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилиб, текширув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

*Шу ўринда юртдошларимиздан божхона қоидабузарликлари юзасидан Давлат божхона қўмитасининг қисқа рақамли 11-08 "Ишонч телефони"-га қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтамиз.*

### Декларацияда кўрсатилмаса, бефойда

**Давлат божхона қўмитаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси ходимлари "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда "Боку — Тошкент" йўналиши бўйича учиб келган йўловчилар орасида тезкор тадбир ўтказди.**



Тадбир давомида яшил йўлак орқали ҳаракатланаётган фуқаролар Р.Р. ва А.А. божхоначилар эътиборини тортди. Ушбу фуқаролар белгиланган тартибда текширувдан ўтказилганда, уларда декларацияда кўрсатилмаган ва оғзаки сўровда айтилмаган товар моддий бойликлари борлиги аниқланди. Хусусан, фуқаро Р.Р.да 10 дона қадимий гиламлар ва 15,5 грамм сариқ металдан ясалган заргарлик буюмлари, фуқаро А.А.да эса 6 дона қадимий гилам ва 30 грамм сариқ металдан ясалган заргарлик буюмлари борлиги фош этилди.

Шу куннинг ўзида "Истанбул — Тошкент" йўналиши бўйича учиб келган фуқаро Ш.М. қизил йўлакдан ҳаракатланаётганда божхоначилар томонидан тегишли тартибда назоратдан ўтказилди. Натижада, фуқаро декларацияда кўрсатмасдан, яширин тарзда турли касалликларга қарши қўлланиладиган 11 турдаги 199 конвалютада 2691 дона ва 2 та қутида 200 дона таблетка ҳамда 45 дона ампулаларни олиб келаётгани фош этилди.



### Маккажўхори поялари орасидаги 934 грамм "марихуана"

**Фарғона вилоятининг Қўштепа туманида вилоят божхона бошқармаси ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ходимлари билан ҳамкорликда фуқаро М.Д.нинг яшаш хонадонини кўздан кечиришди.**

Натижада, ушбу уйнинг боғ қисмида қуриган ўтлар орасига беркитиб сақланаётган қора рангли целлофан пакетга ўралган ўткир ҳидли, оч яшил рангли гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда ва 1 дона қоғоз ўрамга ўраб жойлаштирилган ҳамда боғнинг охиридаги бурчакли девор тагидаги маккажўхори пояларини орасига беркитилган ўткир ҳидли гиёҳвандлик моддаси — марихуана моддасига ўхшаш моддалар борлиги аниқланди. Экспертиза хулосасига кўра, олинган ашёвий далиллар 934 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситаси эканлиги маълум бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати**

## ЭҲТИРОМ

**Манзил сари ошиққан йўловчи қоронғи кечада йўл тополмай қийналганида узоқдан милтиллаб кўринган чироқ шуъласи кўнглига таскин бериб, олға юришга ундайди. Йўл нотекис, манзил эса ҳали олис. У минг бир синовларга дуч келар, қоқилиб йиқилар балки, оёқлари ҳолдан тойиб қадам ташлаш азоб бўлса ҳам шу биргина чироқ шуъласига умид қилиб йўл юраверади. Ўша бир тутам нур йўловчининг жонига мадор, қалбига қувват бағишлайди. Сен тўғри йўлдан одимлаяпсан, сабр қилсанг, ёруғ манзилга адашмай етиб оласан дегандек, милтиллаб шуъла сочаверади.**

# УМР МАНЗИЛЛАРИДА



Буюк шоирлардан бири "Бу дунёда мен бир йўловчи", деб ёзганидек, чиндан ҳам асли бу кўҳна ҳаётда ҳар бир инсон йўловчи. Кўнглида не муддаоси бор, таниш-нотаниш манзилларни излаб, баъзан ишонч, баъзида хавотир билан қадам қўяди. Лекин шундай дамларда йўловчига йўл кўрсатиб, мадад бериб турадиган меҳр-оқибатли инсонлар борки, уларни кўриб беихтиёр қалбида қуёши бор дегингиз келади.

Юз-кўзларидан мудом нур сочилиб турадиган, нозиктаъб, зукко, ҳар бир сўзни ўз ўрнида дона-дона ишлатадиган, неча-неча олиму зиёлиларнинг, раҳбарларнинг устози, самарқандлик Ҳасан ака Нормуродов билан лоақал бир марта учрашган, суҳбатлашган киши шундай хулосага келади.

Ҳа, ҳаёт жуда катта синов. Бу синов Каттақўрғон туманининг "Кичик кўрпа" қишлоғида 1939 йилда оддий деҳқон оиласида дунёга келган Ҳасан Нормуродовнинг бошига кузнинг аччиқ қировига ўхшаб жуда эрта тушди. У гўдаклигидаёқ падари бузруквори Норбек ота ҳаётдан кўз юмди, онаси Мисқол ая тўрт фарзандни бағрига босганча ёлғиз қолди.

Кўп ўтмай Иккинчи жаҳон уруши бошланди, совуқ уруш изғиринлари ҳамма қатори Мисқол онанинг хонадонини ҳам четлаб ўтмади.

Ўша пайтларда бир қишлоқда кимдир битта янги кийим ёки пойабзал сотиб олса, бутун қишлоқ алмашиб киядиган, бир коса овқатнинг атрофида бир неча болалар уймалашиб, бир қошиқда навбатма-навбат овқат ейдиган замонлар эди. Қанчалаб одамлар нон ўрнида кунжара, овқат ўрнида ўт-ўлан ейишга ҳам мажбур бўлишган. Бир томондан оғир қора меҳнату очарчилик, иккинчи томондан уруш даҳшати ва оқибатлари ҳамма қатори Ҳасанга ҳам машаққатлар келтирди У тўққиз-ўн ёшлариданоқ акалари ёнига кириб нафақат уй ишларига, дала ишларига ҳам ёрдам бера бошлади.

Йўқчиликда улғайган, қийинчиликлар жабрини тортган, ҳаётнинг қадри, тирикчилик ташвишларини эрта англаб етган Ҳасан Нормуродов шундай шароитда ҳам китоб ўқишни канда қилмади. Бир бурда нон топиш амримаҳол бўлганда, китоб анқонинг уруғи бўлгани шубҳасиз. Аммо интилганга толе ёр, дегани рост экан. Мактабни, сўнгра Каттақўрғон педагогика билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаб, 17 ёшидаёқ ўқитувчилик қила бошлади. Бу орада уч йиллик ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Самарқанд давлат университетида таҳсил олди.

Каттақўрғон шаҳрида иқтидорли ва ташаббускор ўқитувчи сифатида тез танилган Ҳасан ака бир неча йил шаҳар ҳокимлигидаги масъул вазифаларда ишлаб, Жомбой, Нарпай туманларида биринчи раҳбар, вилоят раҳбарининг ўринбосари, халқ таълими бошқармаси, касаба уюшмаси ташкилотларида раҳбар лавозимларида меҳнат қилиб, пенсия ёшини қаршилади. Ўз тинчини, фароғатини ўйламаган, ўз манфаатларидан ўзгалар манфаатини устун қўя олган, бутун умрини жамоат ишларига, жамоатчиликка бағишлаган бу олийҳиммат инсон шундан кейин ҳам жамият ишларидан узилиб қолган эмас. Ҳ.Нормуродов айни пайтда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилоят кенгашига раислик қилиб келмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, узлуксиз раҳбарлик лавозимларида ишлашнинг ўзи бўлмайди, унинг масъулиятини ҳис этиб, шунга амал қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас, аслида. Ҳасан Нормуродов ана шу юкни виждон билан, ҳалоллик ва поклик билан, самимият ва садоқат билан кўтарди. Яхшиликни ҳаёт йўлининг бош шиорига, камтарликни иш қуролига айлантирди. Одамларга меҳрибонлик билан қараб, ҳар бир инсон билан самимимй мулоқотга киришди. Энг муҳими, 17 ёшида бошлаган ўқитувчилик касбини унутмади. Ҳар бир ишга педагог нуқтаи назаридан ёндашди. Агар педагог қандай хислатларга эга бўлиши керак, деб сўрашса, албатта, Самарқандга бориб Ҳасан акани кўринглар, деган бўлардик.

Эҳтимол, шунинг учунми, у теварак-атрофдаги одамлардан фақат яхшилик излашга, уларнинг гўзал, инсоний фазилатларини аниқлашга ва қадрлашга, ўксик қалбларга малҳам бўлишга одатланган. Вилоятда турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатганида, айниқса, халқ таълими бошқармасини бошқарган кезларида ана шундай моҳир педагоглиги қўл келди ва пировардида кўпчиликнинг самимий ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

— Вазифа, мартаба инсоннинг ўзига бино қўйиб кибру ҳавога берилиши учун эмас, аксинча, эзгу амаллари билан ўзгалар қалбида яхшилик гулшанини бино этиш учун берилган имконият, — дейди Ҳасан ака. — Қайси бир раҳбар шу қоидага амал қилиб иш кўрса, доим элнинг назарида бўлади. Ота-онасига, унга таълим-тарбия берган устозларига раҳмат келтиради.

Ҳасан ака Самарқанддаги ҳар битта салоҳиятли ишнинг, том маънодаги юксалишларнинг гувоҳи ва иштирокчиси. У бу кўҳна ва муаззам шаҳарнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолган ҳолда уни янада ободонлаштириш, кўркамлаштириш, кўча-хиёбонларини кенгайтириш, турар жойларини замонавийлаштириш учун ҳисса қўшиб келаётган инсонлардан бири. Самарқандни беш-ўн йил муқаддам кўриб кетган сайёҳ бугун ташриф буюрганида унинг гўзаллиги, бетакрорлиги қаршисида такрор ҳайратга тушиши тайин. Чунки Самарқанд — бу кўҳна ва мўъжизакор шаҳар, уни қадрлаган ҳар бир кексаю ёшнинг, қурувчию муҳандиснинг, меъмору алломанинг кўз нури, қалб қўри билан қайта сайқал топмоқда. Ҳасан аканинг ана шу улуғвор ишларда ҳам ҳиссаси бор.

У киши жамиятнинг устунлари адолат пойдеворидан қад ростласагина мустаҳкам бўлишини қайта-қайта таъкидлайди. Шу боис у юз бераётган ижтимоий жараёнларга теран назар билан қараб адолат мезонларининг қарор топишида астойдил кўмакдош бўлмоқда. Кўпни кўрган, кўпчилик билан тиллаша оладиган бу адолатпарвар инсон вилоятда ижтимоий масалаларни ҳал этишга дахлдор йигирмадан ортиқ комиссия аъзоси этиб сайлангани ҳам бежиз эмас. Бу комиссияларнинг ҳар бири давлат органлари билан бевосита ҳамкорликда ишлаб, умумманфаати учун энг тўғри қарорлар қабул қилиш билан бирга жамоатчиликнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан фаол иштирокини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

— Ҳасан акани шеър ёзмаган шоир дейишади, у киши мумтоз ва ҳозирги ўзбек адабиётининг зукко билимдони, — дейди таниқли шоир, журналист Фармон Тошев. — Шу боис таниқли ижодкорлар ҳам у кишининг олдида ҳушёр туришади. Газетачиликнинг ҳам кўп сирларидан хабардор, бизни доим қўллаб-қувватлайди, ёрдам беради.

Ҳа, бу жиҳатдан ҳам кўпчиликка ибрат бўлиб келаётган Ҳасан ака яхшилик қилишни, яхши гапиришни, яхши амаллар билан шуғулланишни яхши кўради. Ҳатто шундай камтаринки, ҳар қандай оддийгина инсонни ҳам жуда салоҳиятли, улуғвор қилиб кўкларга кўтариб қўяди.

Нафақага чиқиб ҳам Ҳасан ака ғайрат-шижоатда эл-юртга ибратли ишлар билан банд. Унинг бошчилигида "Нуроний" жамғармасининг вилоят ижтимоий-маънавий ҳаётидаги таъсири, айниқса, ёшларни тарбиялаш, уларни миллий қадриятларимизни эъзозлашга, жонажон Ватан равнақи учун хизмат қилишга, халқ фаровонлиги йўлидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга чақириш, уч авлод вакилларини бирлаштириш, кези келганда етаклаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлари эса таҳсинга лойиқ.

Нуронийлар мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир оила учун муносиб турмуш шароитини муҳайё этиш йўлида олиб бораётган халқпарвар сиёсатини маъқуллаган ҳолда кўплаб ташаббусларга бош-қош бўлишмоқда. Биргина мисол. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан бундан салкам икки йил муқаддам "Обод қишлоқ" дастури асосида Нуробод туманининг Жом қишлоғида бошланган улкан бунёдкорлик ишлари муваффақиятли якун топгани, эски, хароба уйлар ўрнида замонавий уйлар, истироҳат боғи, сервис хизмат масканлари қад ростлагани, ўнқир-чўнқир йўллар текисланиб, асфальтлангани, электр таъминоти изчил йўлга қўйилгани кўрган кишида ҳавас уйғотади. Ана шу бунёдкорликнинг илк кунларидан бошлаб нуронийлар Жомда қурувчи-ю меъморлар билан ёнма-ён туриб, эзгу ишлар самарали якунланиши учун ўзларининг қимматли маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан мададкор бўлишди. Ўнлаб оилаларнинг аҳволидан хабар олиб, уларни иш билан таъминлаш, даволаниш, томорқа хўжалигини йўлга қўйишларига ёрдам беришди. Бундай мисолларни давом эттириш мумкин.

Дарҳақиқат, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимининг яхши, ибратли ишларидан хабар топганингиз сайин аниқ натижалар ишончингизни оширади.

— Ҳасан ака билан узоқ йиллардан буён ёнма-ён меҳнат қилиб келаяпмиз — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси Махмуд Бобоёров. — У кишининг ҳар бир ишга сидқидилдан ёндашиш, топшириққа масъулият билан қараш, бугунги ишни эртага қолдирмаслик каби одатлари биз учун катта ибрат. Айниқса, ёшу карига бир хил самимий муносабат, оқибат кўрсатиш, сўз ва амал бирлиги, юксак ҳуқуқий маданият билан иш тутиши кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Тўғрисини айтсам, Ҳасан ака вилоятимизнинг жонли архиви, дейиш ҳам мумкин. Биз кимни ёки нимани ахтарсак, Ҳасан ака орқали топамиз, биз нимадан қийналсак, Ҳасан аканинг маслаҳатлари билан ҳал қиламиз.

Ҳа, у кишига нисбатан бундай эътирофларни жуда кўп кишидан эшитиш, халқ орасидаги ҳурмати ва мавқеини тез англаб олиш мушкул эмас.

— Ҳасан ака Нормуродов билан суҳбатлашсангиз, билимлар денгизига шўнғигандай бўласиз, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят бўлими бошлиғи, Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Муҳиба Бобобекова. — Айниқса, таълимнинг жамият ривожидаги аҳамияти, ўқувчининг қалбига йўл топиш, уни дарсга, китобга қизиқтириш, фарзандларимизда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда ўқитувчининг таъсири, маҳоратига оид фикрлари барчамизга катта сабоқ беради.

Устоз билан суҳбатлашар эканмиз, Ҳасан ака Нормуродов бугунги ислоҳотлар ривожи ҳақида батафсил тўхталиб, давлатимиз раҳбарининг кекса авлод вакилларига кўрсатаётган ғамхўрлигидан самарқандлик нуронийлар, юртимизда умргузаронлик қилаётган барча отахону онахонлар мамнунлигини кўп такрорлади, дориломон кунларга шукроналар айтди. Суҳбат чоғида узстознинг Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовга ҳамда Президентимиз Шавкат Мирзиёевга бўлган ғойибона меҳр-муҳаббатини яна бир карра теран ҳис этдим.

Таъкидлаш жоизки, маърифатпарвар инсон, жонкуяр устоз, ибратли оила бошлиғи Ҳасан Нормуродов бугунги кунда вилоятдаги 255 минг нафар меҳнат фахрийси, нуронийларга бош-қош бўлиб, уларни савоб ишларга руҳлантираётганининг ўзи катта бир шараф, масъулият. Шу масъулият туфайли у вужудида доимо туганмас куч-қувват, ёшларга хос ғайрат-шижоат ҳис этади. У қадам қўйган davraларга иликлик, хушчақчақлик кириб боради.

*Ҳа, ҳаётнинг инжиқликларини ўзига маҳкам бўйсундирган, аччиқ ҳақиқатларини чидам билан енгиб, бардош ва матонат билан олға бораётган, саксон йиллик умрининг қарийб етмиш йилини жўшқин меҳнат, юртга, халққа ҳалол хизмат қилиш билан ўтказаётган, халқ маорифи аълочиси, истеъдодли раҳбар, Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат шуҳрати", "Эл-юрт ҳурмати", "Дўстлик" орденлари соҳиби, садоқатли ва оқибатли замондош, табаррук ва донишманд инсон Ҳасан Нормуродовнинг босиб ўтган ҳар бир йўли бир китоб, ҳаёт мактаби. Ана шу мактабнинг чироғи ҳам, қаҳрамонимизнинг қалб қуёши ҳам ҳеч қачон сўнмасин.*

**Абдукамол РАҲМОНОВ**

## Бир кунда 407 нафар қоидабузардан жарима ундирилди

**Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун жаримани ўз вақтида тўламаган ҳайдовчиларга мурожаат қилган эди.**

**31 январь куни Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ билан ҳамкорликда МИБ иш юритувидаги ижро ҳужжатлари қарздорликлари ундируви бўйича қўшма рейд-тадбир ўтказди.**



Пойтахтимизнинг 20 та марказий кўчаларида ЙҲХБнинг патруль хизмат автомобилларида ўрнатилган автоматик мослама ёрдамида бир кунда 407 та қарздорлар аниқланиб, 117 миллион 101 минг сўм миқдоридаги қарздорликлар ундирилди.

24 та автотранспорт воситалари эса жарима майдончаларига жойлаштирилди. Шунингдек, Бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан қидирувда бўлган иккита автотранспорт воситаси ҳам аниқланди.

2019 йилнинг 30 январь куни жами ундирилган жарималар 571 миллион сўмдан ортиқни ташкил этган. Бу билан 1 961 та қарздорликлар ўз вақтида бартараф этилган.

Шундан Бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси иш юритувидаги 734 та ижро ҳужжатлари бўйича 242 миллион 465 минг сўм ундирилган.

Олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида бир кунда 327 нафар қарздор ўз хоҳиши билан тўғридан-тўғри қарздорликларини тўлаган. Бунинг натижасида эса 125 миллион 300 минг сўмдан ортиқ қарздорликлар ундирилган. 407 та ижро ҳужжатларининг қўшма рейд пайтида ижроси таъминланди.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш оқибатидан келиб чиққан ҳуқуқбузарликлар учун ўз вақтида эътиборсизлик оқибатида тўланмаган жарималар энди шу тартибда мажбурий ундирилади, акс ҳолда автотранспорт воситаси жарима майдончасига қўйилади.

Мазкур қўшма рейд-тадбир Тошкент шаҳрининг барча туманлар кўчаларида 10 кун давом этади.

*МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси ахборот хизмати*

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

## Зарпечакнинг зиёни

**Халқ тилида чирмовуқ деган ном билан ҳам аталадиган зарпечак (Cuscuta SP.) барча мамлакатларда тарқалган зарарли ўсимликдир. Дунё бўйича зарпечакнинг 274 тури аниқланган бўлиб, юртимизда шундан 17 тури учрайди.**

Айниқса, улардан 13 тури ўсимликларга жуда катта зарар етказиши билан ажралиб туради. Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг чирмовуқдошлар оиласига мансуб саналган зарпечак уруғининг унувчанлиги тупроқда 8-10 йилгача сақланади. Зарпечак бошқа маданий ўсимликлар танасига ёпишган ҳолда паразит ҳаёт кечиради ва барча турдаги ўт-ўланлар ва ўсимликларни зарарлайди. Асосан далаларда етиштириладиган беда, каноп, пахта, лавлаги, сабзи ва бошқа кўпгина экинларга ушбу паразит ўсимлик жиддий равишда зиён беради. Яъни бу паразит зарарлаган ўсимликлар нимжон бўлиб, бошқа турдаги вирусли касалликларга чидамсиз ҳолатга тушади ва нобуд бўлади. Зарпечак нафақат уруғи, балки поясининг бир бўлакчаси билан ҳам кўпая олади.

Бу зарарли ўсимликка қарши курашиш ишлари ўсимликлар ва майдонлар зарарланишига қараб олиб борилади. Кучли зарарланган ўсимликларни чопиб-кесиб, сўнгра ёқиш ёки кўмиб ташлаш йўли билан йўқ қилинади. Зарпечакка қарши курашиш ишлари олиб борилган майдонлар доимий назорат қилиниши ва у бутунлай йўқолгунига қадар ҳар 7-10 кунда ўрганиб турилиши лозим.

**Б.МИРЖАЛИЛОВ,**
**"Тошкент Аэро" ўсимликлар карантини чегара маскани инспектори**

Reklama o'rnida

## Ҳосил кушандаси

**Мамлакатимизнинг иқлим шароити зарарли ҳашаротларнинг кўпайиши учун қулайлиги сабабли ғаллазорларда турли хил зараркунандалар кўпайиб бораётгани кузатилмоқда. Ана шундай ҳашаротлардан бири зарарли хасва (Eurygaster integriceps Put.) ҳисобланади.**

Вояга етган зарарли хасванинг бўйи 10-13 мм, танаси сарғимтир, қўнғирсимон кулранг, сирти мармарсимон нақшли бўлади. Личинкаси эса етук хасвадан ўлчамининг кичиклиги, қисман юмалоқлиги ва қаноти йўқлиги билан фарқ қилади.

Етилган хасва ҳам, унинг личинкалари ҳам зарар келтиради. Масалан, бошоқланиш даврида поялар зарарланиши боис экин яхши ривожланмайди ва бошоқлар пуч бўлиб қолади. Пишмаган бошоқ зарарлангани туфайли эса қисман ёки бутунлай оқ бошоққа (пуч) айланади, дон таркибидаги оқсил камайиб кетади. Хасва зарарлаган пайкаллардан олинган уруғлик доннинг униб чиқиш даражаси 50 фоизгача камаяди. Пишган ғалла экинлари кўп вақт ўрилмасдан туриб қолса, зараркунанданинг озиқланиш даври узайиб, дон сифати пасаяди. Бундан ташқари, тўйиб озиқланган зараркунанда қишловдан яхши чиқиб, унинг келгуси йилги зарари ортади.

Республикамиз ғаллазорларида зарарли хасвага қарши ишлатиш учун рухсат этилган қуйидаги инсектицидлардан фойдаланиш тавсия қилинади: Каратэ 5% эм.к – 0,15 – 0,2 л/га; Кураш, 5% эм.к – 0,15 – 0,2 л/га; Би – 58, 40% эм.к. – 1,5 л/га; Данадим, 40% эм.к. – 1,5 л/га; Децис, 2,5% эм.к. – 0,25 л/га; Карбафос, 50% эм.к. – 1,5 – 2 л/га; Нурелл – Д, 55% эм.к. – 0,5 л/га; Фуфанон, 57% эм.к. – 1,5 – 2 л/га; Суми-альфа, 5% эм.к. – 0,2 – 0,25 л/га; Фенкилл, 20% эм.к. – 0,3 – 0,5 л/га; Циперметрин, 25% эм.к. – 0,2 л/га.

Препаратлардан фойдаланиш вақтида трактор пуркагич мосламаларининг соз бўлиши катта аҳамиятга эга. Ишчи суюқликни тайёрлашда пуркагич бакига 30-40% сув қуйилиб, ундан сўнг керакли миқдордаги препарат солинади ва бак охиригача сув билан тўлдирилиши керак. Ишлов давомида ўсимликнинг бўйига қараб гектарига 200–300 литр ишчи суюқлиги сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Ишчи эритманинг бир текис пуркалиши препарат самарадорлигини янада оширади.

**Ж.НАРЗИЕВ,**
**"Тошкент Аэро" ўсимликлар карантини чегара маскани инспектори**

## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

**Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Навоий вилоят ҳудудий бирлашмасига Навоий шаҳрида яшовчи Аброр Азимов мурожаат йўллади.**

## Қонунни билмасанг чўнтакка зарар



Унда мижоз "Техно-планет" савдо мажмуасида фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркор Собир Усмоновнинг 7-савдо дўконидан автомашина учун 450 000 сўмга 2 йиллик кафолат муддати билан аккумулятор сотиб олгани, аммо кўп вақт ўтмай аккумулятор ишламай қолганини, алмаштириб бериш ёки ҳеч бўлмаса, пулини қайтаришини сўраб сотувчига қилган мурожаати рад этилганидан норозилигини билдирган.

Мурожаат атрофлича ўрганилиб, тегишли мутахассислар хулосаси олинди ҳамда истеъмолчининг ҳақ-ҳуқуқлари тикланишини сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судига даъво аризаси киритилди.

Даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди томонидан ҳудудийлиги ҳисобга олинган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига кўриб чиқиш учун юборилган. Натижада даъвогарнинг манфааатларини кўзлаб, жавобгарга нисбатан "Маҳсулотни сифатлисига алмаштириб бериш ёки пулини қайтариш ва маънавий зарарни ундириш ҳақида"ги даъво аризаси қисман қаноатлантирилди.

Аброр Азимовга етказилган маънавий зарар учун 200 000 сўм, носоз аккумулятор учун 450 000 сўм ундириш ва Собир Усмоновдан давлат фойдасига давлат божи ундириш юзасидан суд қарори қабул қилинди.

ЎзА

# Билим, малака ва ширинсўзлик

## ЭНГ ЯХШИ ДАВО

### СОҲАГА БИР НАЗАР

**Инсоният яратилибдики, бошқа жонзотлардан фарқли равишда фикрлаш, ўз фикрини баён этиш, ҳис қилиш, жисмоний ва руҳий ҳаракатларни амалга оширишга одатланган. Бу ва бошқа шу сингари фаолиятни юритиш, умуман атроф-муҳит ва одамлар билан муносабат ўрнатиш асаб тизимининг марказий бўлими ҳисобланмиш мия орқали бошқарилади.**







Бир тасаввур қилинг, ойлар, йиллар, умри давомида эга бўлган ахборотларни ўзида сақлаб турувчи қобиқ ҳисобланмиш инсон мияси айрим сабабларга кўра яллиғланди, шикастланди ёки бел соҳангиздаги кучли оғриқ сизни анчадан буён қийнаб турибди. Бундай вазиятда ўз ҳудудингизда фаолият юритадиган ёки таниш-билишлар тавсия этган нейрохирург кўригидан ўтишга ошиқасиз. Лекин бу касаллик кутилмаганда, фавқулодда воқеа, ҳолатлар оқибатида юзага келса-чи?

Бу ўринда юртимизда аҳолига шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизимини ўзида намоён этиб келаётган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ), унинг ҳудудий филиаллари нейрохирургларининг хизмати ва масъулияти катта эканлигини кўпчилик яхши билади. Бу шундай масъулиятки, бемаврид "оёқ остидан" келган фалокатдан жабрланган фуқароларнинг мушкулини юксак маҳорат билан енгиллаштиришга хизмат қилмоқда. Бу шундай маҳоратки, ҳатто ўзини қийнаб турган касаллиги ҳақида сўзлаб беролмаган беморларга ўша вақтнинг ўзида, ҳеч бир тама ёки эътирозсиз малакали тиббий ёрдам кўрсатишга имкон беради.

— Бўлимимизда аҳолига бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда, – дейди РШТЁИМ Нейрохирургия ва аралаш жароҳатлар бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Козим Маҳкамов. — Ҳукуматимиз томонидан шошилинч тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилашга қаратилаётган эътибор натижасида бўлимимиз янги, жаҳон талабларига жавоб берадиган, юқори технологик тиббий ускуна ва дори воситалари билан таъминланган. Биргина Германияда ишлаб чиқарилган OPMI Pentero 900 русумли микроскопини олайлик. Ушбу қурилмадаги махсус тизим ва дастурлар ёрдамида бош мия ўсмалари, марказий нерв тизимидаги нуқсонлар ва яллиғланиш касалликларини даволашда яхши натижаларга эришмоқдамиз.

Мутахассислар қайд этишича, кейинги йилларда нисбатан кўп учраётган касалликлардан бири ҳисобланмиш бош мияга қон қуйилиши касаллиги — инсультнинг ҳам олдини олиш имкони бор. Масалан, ота-боболари, яқин қариндошлари инсульт касаллигига дучор бўлган, қон босими даврий равишда ошиб турадиган ҳар қандай инсонга миянинг қон томирларини ангиография, МРТ, КТ ускуналари орқали текширтириб туриш ва асосийси, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш тавсия этилади.

Марказ нейрохирурглари таъкидлаганидек, соҳада эришилган яна бир муҳим натижалардан бири синган умуртқа поғонасини самарали даволашда жуда қўл келмоқда. Хусусан, илгари умуртқанинг дарз кетган бўлакларини бир-бирига жипслаштириш учун темирли мосламалардан фойдаланилган ҳолда бемордан бутунлай қимирламаслик талаб этилган бўлса, бугунги кунда транспедикуляр фиксатор деб номланувчи мослама қўлланилиши жарроҳлик амалиётидан сўнг ҳеч бўлмаганда беморга ўтириш имконини бермоқда. Муҳими, бундай мосламаларнинг барчаси давлат бюджети маблағлари ҳисобига аҳолига бепул ўрнатилмоқда.

— 2018 йилда бўлимимизда 4 мингдан зиёд беморлар ётиб даволанишган бўлса, уларнинг 2 минг нафарида турли даражадаги жарроҳлик амалиётлари ўтказилди, — дея давом этади суҳбатдошимиз. — Хусусан, лапароскопия, торакоскопия, нейроэндоскопия сингари замонавий қурилмалар жарроҳларнинг мушкулини енгиллаштиришга хизмат қилаяпти. Қолаверса, кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Шу боис дунёнинг манаман деган давлатларидан кам бўлмаган ҳолатда замонавий тиббий муолажалар, ташхис қўйиш ва даволаш технологиялари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Билимли, изланувчан, бир нечта хорижий тилларни ўзлаштирган, ўз устида ишлаётган ёш мутахассисларимиз кўплигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Дониёр Исроилов, Самандар Юнусов, Маҳкамжон Маҳкамов, Шохрух Бойменов, Темур Дусчанов, Иброҳим Икромов ва бошқа кўплаб умидли шифокорларимиз ўз билими ва тажрибаси ҳамда хушмуомаласи билан беморларнинг меҳрини қозониб келишаяпти.

Бинобарин, РШТЁИМ нейрохирургия ва қўшма жароҳатлар бўлими мудири Дониёр Исроилов бир неча маротаба Россия Федерациясидаги нуфузли тиббий муассасаларда малака ошириб қайтиши натижасида умуртқа поғонасини даволаш бўйича республикамизнинг энг етук нейрохирург мутахассисларидан бири сифатида фаолият юритмоқда. Марказнинг Болалар нейрохирургияси бўлими мудири Маҳкамжон Маҳкамов эса Финляндияда замонамизнинг энг буюк нейрохирургларидан Юха Хернесниеми раҳбарлиги остида малакасини оширди ва ҳозирда мия қон томири жарроҳлиги бўйича республикамизнинг энг моҳир нейрохирургларидан бири десак, муболаға бўлмайди.

Сўнгги йилларда Марказ нейрохирурглари дунёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, Германия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатларда муваффақиятли малака ошириб, нейрохирургия соҳасига доир ўтказилаётган халқаро илмий анжуманларда ўз маърузалари билан муносиб даражада иштирок этишди.

Шунингдек, юртимизга ташриф буюраётган хорижий ҳамкорларимиз, ҳамкасбларимиз билан амалга оширилаётган мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётлари айниқса, ёш мутахассисларимизнинг тажрибасини янаям оширишга хизмат қилаяпти.

Хусусан, 2018 йилда РШТЁИМ нейрохирурглари Бутунжаҳон нейрохирурглари жамғармасининг вице-президенти, Осиё нейрохирурглар жамғармаси директори Ёко Като ҳамда дунёнинг танқли 30 га яқин нейрохирурглари иштирокидаги делегацияга мезбонлик қилишди. Делегатлар иштирокида Осиё нейрохирурглари семинари бўлиб ўтди, қолаверса, республикамизда фаолият юритаётган нейрохирурглар билан биргаликда мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётларини ўтказишди.

**Билмаганни сўраб ўрганган олим дейишганидек, инсон саломатлигини тиклаш билан боғлиқ амалиётларни ўзлаштиришга интилаётган мутахассисларимиз бор экан, эртанги кунимиз ишончли қўлларда эканлигини ҳис қилади, киши. Зотан, бир маромда турмайдиган ҳаётимизни саломатликни тиклашга эмас, балки аввало уни ўз вақтида қадрлаш, асраш, авайлашга сарфласак, соғлом турмуш тарзига амал қилиб, шифокорлар кўригидан ўтишга одатлансак, нур устига нур бўлади.**

**Саодат СОДИҚОВА,**
**"Adolat" мухбири**




### 7,7 МИНГ ГЕКТАРГА КЕНГАЙДИ

**Душанбе шаҳрининг майдони Рудакий туманидаги Сариқишти, Гулистон, Навобод, Чортепа, Чоряккорон, Россия ва Чимтепа қишлоқ кенгашлари ҳисобига 7,7 минг гектарга кенгайди.**



Эндиликда Тожикистон пойтахтининг майдони 20 минг 318,25 гектарни ташкил қилади. "Пойтахт маъмуриятига қўшилган ҳудудларда саноат корхоналари, осмонўпар бинолар қад ростлайди, янги мактаблар, шифохоналар пайдо бўлади, йўллар ва бошқа иншоотлар қурилади", дея таъкидлади Тожикистон ҳукумати қошидаги Архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Жамшед Аҳмадзода.

2017 йилда ҳукумат томонидан қабул қилинган "Душанбе шаҳрининг Бош режаси" ҳақидаги қарорда пойтахт ҳудуди 2025 йилга қадар 18 минг гектарга, 2040 йилга бориб эса 25 минг гектарга кенгайтирилиши таъкидланган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, ички миграция ва туғилиш даражаси кўплиги ҳисобига пойтахт аҳолиси 1 миллион кишидан ошиб кетди.

### МАМЛАКАТ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ!

**Қозоғистон парламенти сенати раиси Қасим-Жомарт Тоқаев депутатнинг Қозоғистон номини ўзгартириш тўғрисидаги таклифига муносабат билдирди.**



"Ном — Қозоғистон Республикаси дея ўзгармай қолиши керак. Президентимиз томонидан жуда кўп халқаро шартномалар Қозоғистон Республикаси номидан имзоланган. Давлат номини ўзгартиришга асос ва мантиқ йўқ. Бизда бундан бошқа кўплаб муаммолар етарли", дея баёнот берди Токаев.

Қозоғистон номини Қозоқ Республикасига ўзгартириш борасида ўтган ҳафтада Мажлис депутати Азат Перуашев таклиф билан чиққан эди.

2014 йил февралида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Отираудаги Интеллектуал мактабга ташрифи ва маҳаллий жамоатчилик вакиллари билан учрашуви чоғида мамлакат номидаги "истон"дан воз кечиш лозимлигини ва Қозоғистонни Қазақ элига ўзгартириш эҳтимоли борасида таклиф берган эди. Ўшанда бу ташаббус ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамалар мавзусига айланган эди.

### САРАТОНДАН БУТУНЛАЙ ХАЛОС БЎЛИШ МУМКИН!

**Исроил биолог олимлари саратон касаллигидан бутунлай фориғ бўлиш усули борлигини айтишмоқда. Исроилдаги Accelerated Evolution Biotechnologies Ltd. биотехнологик компанияси ишлаб чиқараётган MuTaTo («кўпқиррали мақсадларга ишлатиладиган заҳарлар"), муаллифларнинг таъкидлашича, саратонга қарши универсал терапияга асос бўлиши мумкин.**

"Биз бир йил ичида саратондан тўла халос бўлиш имконини таклиф қилиш ниятидамиз", дейди мазкур компания директорлар кенгаши раиси Дан Аридор. Бу маълумот Исроил ва АҚШнинг айрим етакчи нашрларидаги мақолалар мавзусига айланди.

Гап қисқа оқсил фрагментлари — пептидлар ёрдамида саратон ҳужайралари билан курашувчи заҳарларни йўналтирувчи тизимни ишлаб чиқиш ҳақида кетмоқда.

2018 йилда америкалик молекуляр биолог олим Жорж Смит кимё бўйича Нобель мукофоти билан тақдирланди. Жорж Смит 1980 йилларда "фаг-дисплей" услубини ишлаб чиққан эди. Мазкур усул тиббиётда, жумладан, саратон ҳужайраларига қарши курашишда қўлланиладиган иммунтизим элементлари — антижисмлар ажратиб олишда кенг фойдаланилган.

Исроил олимларининг усули янада кичикроқ пептид-молекулаларга асосланиши билан аҳамиятлидир. Уларнинг хусусияти саратон ҳужайраларини ўлдиришда эмас, ҳужайрага йўл кўрсатиш билангина ажралиб туради, шундан сўнг ҳужайра заҳарлар билан йўқ қилинади. Муаллифларнинг таъкидлашича, MuTaTo усули бемордаги саратоннинг аниқ ҳужайраларига молекуляр калит танлашга имкон берадиган пептидларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Саратоннинг маълум ҳужайраларига заҳарларнинг етиши ва таъсир қилиши — саратон терапиясига янгидан киришиш дегани эмас, аввалги ишланган терапия юқори самаралиликдан йироқ эмас эди. Ишлаб чиқарувчиларнинг фикрича, бунда асосий муаммо саратон ҳужайралари етарли равишда тез ўзгариши туфайли бир тип рецепторга мўлжаллаган терапия самарасиз бўлиб қолишида эди.

Исроил биологларининг ғояси препарат бир вақтнинг ўзида бир қанча — камида уч турдаги рецепторларни қамраб олиши, уларга таъсир қилиши билан фарқланади. Пептидлар селекциясининг ишлаб чиқилган тизими буни амалга оширишга имкон беради, саратон ҳужайралари лозим даражада ўзгаришга улгуролмай қолади: бир пайтнинг ўзида учта таркибда мутацияга эришиш ноёб ҳодиса, кашфиёт, дейиш мумкин.

Айни пайтда жониворларда илк тажрибалар ўтказилмоқда. Клиник синов эса бир неча йил давом этиши мумкин. Ҳозирча олимлар бу кашфиёт ҳақидаги маълумотларни атрофлича ёритишга шошилмаяпти. Шундай бўлса ҳам ушбу мухтасар маълумотларнинг ўзиёқ давосиз дард деб қараб келинган саратоннинг олдини олиш ва бу касалликдан халос бўлишда олимлар аниқ усул топганига ишонч пайдо қилади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

### БИР саволга жавоб

***— Кўчамизга кузатув камераси ўрнатмоқчи эдим. Бу борада тушунтириш берсангизлар.***

*Х.Эрдашев,*
*Қибрай тумани*

— Президентнинг "Жисмоний ва юридик шахслар мулкининг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда 1 январдан бошлаб шундай амалиёт жорий этилдики, унга кўра жисмоний шахсларнинг уй-жойлари ва хонадонларига уларга қўриқлаш хизматини кўрсатиш мобайнида фойдаланишга бериладиган қўриқлов техник воситалари жиҳозларини ўрнатиш ҳамда бепул техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажариш ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Вазирликнинг қайд этишича, камера ўрнатилганидан сўнг жисмоний шахслар қўриқлаш хизматидан фойдаланганлик учун ойлик тўловни амалга оширишлари лозим.

Бугунги кунда мазкур тўлов миқдори ойига 17 минг сўмни ташкил этади.

**Саволга Ўзбекистон ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси жавоб берди.**

### 4,2 МИЛЛИАРД сўмдан зиёд маблағ ТАЛОН-ТОРОЖ қилинган

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Инспекция органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ва сув хўжалиги қурилишига оид қонунлар ижроси доимий назорат қилинмоқда.

Мазкур йўналишдаги текширишларда "Ўзсувқурилиштаъминот" республика бирлашмаси, "Давсувмахсуспудрат" ва бошқа сув хўжалиги корхоналарида далолатномаларга сохта ёзувлар киритиб, 4 миллиард 270 миллион 204 минг сўмлик мол-мулк ва маблағлар талон-торож қилингани маълум бўлди. Шунингдек, 71 миллион сўмлик иш ҳақи ноқонуний тўлангани аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Манба. Prokuratura.uz**




**МУАССИС:**
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: **Ислом ҲАМРОЕВ**

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *71 288-46-54* (149); Котибият — *71 288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *71 288-42-12* (144); Қабулхона — *71 288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *71 288-42-14* (144); 90 *900-72-15*

**Навбатчи муҳаррир** — Дилором Маткаримова
**Навбатчи** — Бобиржон Тунгатов

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 200.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 3640
Босишга топшириш вақти — 22.10
Босишга топширилди — 23.50
*Баҳоси келишилган нархда*

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5 6